Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 174 (20. 441) • 1989 йил 26 июль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ФРАНЦИЯГА ТАШРИФ ТЎҒРИСИДА КИТОБЧА

Москвада босмадан чиққан ҳужжатлар ва материаллар тўплами «М. С. Горбачевнинг Францияга ташрифи» деб аталган. Китобчада совет раҳбарининг 1989 йил 4-5 июль кунлари Парижда ва 6 июль куни Страсбургда бўлиши тўғрисидаги хабарлар, шунингдек ташриф чоғида қабул қилинган ва имзоланган ҳужжатлар берилган.

Тўплам Сиёсий адабиёт нашриётида чиқарилди ва «Красный пролетарий» босмахонасида чоп этилди.

(ТАСС)

Мурманскдаги тинчлик фестивали қатнашчиларига

Сизларни, тинчлик ва яхши қўшничилик жонкуярларини чин кўнгилдан табриклайман. Шимолий Европадаги тинчлик юришининг якуни бўлмиш учрашувингиз турли мамлакат кишиларининг Европани ҳар ким ўз билганича яшай оладиган ва бошқалар билан яхши муносабатда бўладиган хавф-хатарсиз ва ҳаммага қулай умумий хонадонга айлантириш муддаосининг яна бир яққол далилидир.

Тинч Европани барпо этишда аввало «совуқ уруш»нинг сарқити бўлмиш зўравонлик ва «ядровий тийиб туриш» сиёсатини узил-кесил тарк этиш лозим. Қитъадаги чинакам тинч тартиб ядро қуроли билан чиқишмайди. У қурол-яроғлар ва қуроллар кучларнинг ҳамма турларини уруш чиқаришга асло имкон бермайдиган тарзда қисқартиришни ҳам назарда тутади.

Совет Иттифоқи Европанинг шимолини ядросиз зонага айлантириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди, унинг табиий бойликларини биргаликда ўзлаштиришга, атроф-муҳитнинг ҳолатини назорат қилишнинг ягона системасига интилаверади. СССР халқ депутатларининг съезди янгича тафаккурга асосланган ташқи сиёсий йўлимизга қонун кучини бахш этди.

XXI асрга муносиб маданий муносабатлар сари биргаликда илгари силжиш учун давлат арбоблари куч-ғайрат сарфлашлари керак. Бироқ, эндиликда оддий гражданларнинг кенг миқёсдаги мулоқоти, уларнинг барча соҳалардаги — қуролсизланиш, экология, маданият, гуманитар, ҳуқуқ соҳаларидаги фаол ҳаракатлари ҳам жуда муҳимдир.

Сизларга ва ажойиб учрашувингизга муваффақият тилайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Советининг биринчи сессияси 24 июлда ўз ишини давом эттирди.

Палаталарнинг қўшма мажлисини **М. С. Горбачев** очди. У ҳозирги даврни тавсифлаб, мамлакатнинг кўмир чиқарувчи регионлари меҳнаткашларининг иш ташлаши билан боғлиқ воқеалар ҳамон жамоатчилик эътиборининг марказида турганлигини таъкидлади. Марказдан борган комиссиялар ҳамда иш ташлаш комитетлари вакилларининг ишлари натижасида шахтёрлар ишлайдиган барча районларда қўшма ҳужжатлар келишиб олинди, бу ҳужжатларда ҳал қилишни тақозо этаётган масалалар акс этган. Бу масалаларнинг баъзилари яқин кунларда, бошқалари эса таҳлил этиш, батафсил муҳокама қилиш натижасида ҳал қилинади.

Ана шундай ҳужжатлардан бири — бир томондан Н. Н. Слюньков, Л. А. Воронин, С. А. Шалаев, иккинчи томондан — иш ташлаш комитетининг раиси Т. Г. Авалиани ва унинг ўринбосари С. Л. Рудольф томонидан имзоланган протоколдир. Бу ҳужжатда 35 та банд мавжуд. Унда қисқа муддатда ҳал қилишни талаб этувчи масалалар бор. Кемерово область ижроия комитетига 1990 йил 1 январдан бошлаб Кемерово областини регионал хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги таклифларни 1989 йил 1 октябргача тайёрлаш; СССР Министрлар Советига — бу таклифларни шу йил 1 ноябргача қадар кўриб чиқиш ва уларни СССР Олий Советига тақдим этиш топширилди.

Ҳужжатнинг иккинчи банди — давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга мувофиқ Кузбасс корхоналарига, шахталарига, разрезларига тўла иқтисодий, юридик мустақиллик беришга бағишланган. Бу масалани ҳал этиш чоғида қўмир саноати корхоналарига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. СССР Кўмир саноати министрлиги мавжуд бирлашмаларни турли уюшмаларга, ташкилотнинг кўнгилли шаклларига айлантиришни амалга ошириш, бу ишни 1990 йил 1 январгача ўтказиш, ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг турли формаларидан — давлат, ижара, кооператив, акционерлик ва бошқа формаларидан кенг фойдаланиш керак. Кемерово область ижроия комитети корхоналар ва ташкилотлар даромадларидан олинадиган солиқ системасини ишлаб чиқишни ташкил этиши керак. СССР Кўмир саноати министрлиги 1990 йил 1 январдан тажриба тариқасида янги солиқ системасини жорий этишни кўзда тутиб, бу масаланы барча корхоналарда ишлаб чиқсин.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, деди М. С. Горбачев, талаб қанчалик қаттиқ бўлмасин шахтёрларнинг таклифлари негизида соғлом фикр, реализм мавжуд, одамлар масъулиятни ҳис этиб ҳаракат қилишган, бу эса ҳужжатларни келишиб олишга имкон берди, бу ҳужжатлар марказий ва маҳаллий идоралар ишига асос қилиб олинди, ҳукуматда, СССР Олий Советида кўриб чиқиш учун қабул қилинди. Аммо, деб таъкидлади М. С. Горбачев, юқорида айтганимдек, 1 августгача ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам бор, масалан, иш режими, кечки ва тунги сменалар, дам олиш кунлари тўғрисидаги масалалар, бошқа бир қанча бандлар шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, масъулият билан ҳаракат қилиш, марказ ва меҳнат коллективларининг биргаликдаги амалий иши натижасида вазият яхшилик сари ўзгарди. Тўғри, вазият ҳали ҳам кескин бўлиб турибди, барча шахтёрлар коллективлари иш бошлаши учун ҳали кўп куч-ғайрат сарфлаш талаб қилинади. Экономикага эса катта зарба етди, ҳозир фаол, унумли ҳаракат қилиш лозим. Айтмоқчи, шахтёрларнинг ўзлари буни тушуниб турибди, улар нобудгарчиликнинг ўрнини тўлдириш учун ҳамма ишни қиламиз, демоқдалар, ҳисоб-китоблар эса эндиликда уларнинг ўрнини тўла қоплаб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Ҳозир Кузбасс, Қарағанда, «Ростовуголь», чамаси Донбасснинг ярми ёки ярмидан кўпроғи ишламоқда. Донецкда шахтёрлар ўзлари комиссия билан биргаликда ишлаб чиққан ҳужжатлардан Олий Совет хабардор бўлишини истамоқдалар. Халқ орасида, айтиш мумкинки, уларнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилотларга ишончсизлик туғилди, одамлар Олий Совет улар ишлаб чиққан ҳужжатларни қўллаб-қувватлашини хоҳламоқдалар. Бошқа қўмир чиқарувчи районларда ҳам аҳвол ана шундай.

Умуман, деб таъкидлади М. С. Горбачев, биз жуда оғир тангликдан чиқаётганлигимизни айтишим керак. Қайта қуришнинг бутун тўрт йили ичида бу биз учун жуда оғир синов бўлди. Чернобиль воқеаси юз берди, бошқа оғир вазиятлар содир бўлди, шунга қарамай, мен ҳозирги воқеаларни энг жиддий, энг қийин деб ҳисобламан.

Қайта қуришимиз яшаётган ҳаракат қилаверади, барча қийинчиликлар ва синовларга қарамай, ўз натижасини беради. Биз ўз сиёсатимизни экономикада ҳам, сиёсат соҳасида ҳам, маданият соҳасида ҳам конкрет, ҳаётий шаклларда мужассамлаштирмоқдамиз. Тушуниш ва мадад биз учун ҳозир жуда зарур, жамиятимизнинг етакчи кучи — ишчилар синфининг мадади ва тушуниши қайта қуришнинг олдинги босқичларига нисбатан ҳозир икки, уч баравар зарурроқ. Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатнинг кўмир чиқарувчи регионларида юз берган воқеалар қайта қуриш қандай амалга оширилаётгани хусусида ишчиларнинг жиддий эътирозлари борлигини кўрсатди. Шу сабабли биз Олий Советда, партия Марказий Комитетида, ҳукуматда, барча идораларда, мамлакатимизни бошқаришнинг барча структураларида, ҳамма жамоат ташкилотларида, меҳнат коллективларида—ҳамма жойда бу эътирозларга қулоқ солишимиз, уларни идрок этишимиз лозим. Бир томондан, тўғридан-тўғри табиий ва равшан хулоса ана шундан келиб чиқади: биз тағин ҳам қатъият билан ҳаракат қилишимиз, иқтисодий ислоҳотни ўтказишимиз лозим, иккинчи томондан, биз ҳамиша меҳнаткашлар билан мулоқотда бўлишимиз, барча масалаларни ўз вақтида кўриб чиқишимиз керак. Етилган ва шундай кескин шаклда намоён бўлган масалаларга марказда ёки жойларда ўз вақтида эътибор берилмаганлиги сабабли Бутуниттифоқ миқёсида шундай жиддий можаро юз берди.

Биз ҳозир ана шундай хулосалар чиқариб, тағин ҳам фаолроқ ҳаракат қилишимиз лозим, чунки масалаларни иш ташлаш каби шаклларда ҳал қилиш биз бошлаган буюк янгиланиш ишини ҳалокатга олиб боради. Биз ҳозироқ ғоят қийин аҳволга тушиб қолдик. Шахтёрлар буни англаб турибди, улар қатъий, шу билан бирга амалий ҳаракат қилишди, зарур ечимларни комиссиялар билан биргаликда зўр бериб излашди.



Москва, Кремль. СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда

Жамиятда вазият шундай эдики, жамиятда муаммолар шу қадар тўпланиб қолган эдики, уларни ҳал қилиш учун қайта қуриш, янгилаш лозим эди, бошқача иш, бошқача натижалар, бошқача унумдорлик ва шу кабилар лозим эди. Биз ана шу муаммоларни ҳал қилиш учун қайта қуришни бошладик. Бутун жамиятни, энг аввало — экономикани активлаштириб, жўшқинлаштириб, ислоҳот йўлларидаги имкониятларимизни кўпайтириб боришимиз керак. Ҳозир одамларни ҳаяжонга солаётган ҳар қандай муаммо, ҳар қандай масала кўриб чиқилиши, ҳамма нарса равшан бўлиши, ҳаётий муҳим, амалий масалалар сира кечиктирмай ҳал этилиши даркор.

Мамлакатдаги вазият ана шундай. Биз бу вазиятдан чиқаяпмиз, лекин ҳамон у кескин бўлиб турибди. Бизни Абхазиядаги вазият ҳам ташвишга солмоқда, у жуда ўткир тус олди. Лекин партия ташкилоти Грузияда барча миллат меҳнаткашлари, меҳнат коллективлари билан мулоқот олиб бориб амалга ошираётган катта иш натижасида вазият нормаллашди, грузинлар, абхазлар ўртасида фаол, дўстона, инсоний мулоқот, фикрлашув бормоқда.

Кескин вазиятда ҳамма ҳам можарони сўндиришга, вазиятни нормал изга солишга кўмаклашадиган позицияни эгалламади, кадрлар масалалари муҳокама қилиш, умумий келишиш асосида кўриб чиқилди ва ҳал этилди. Тбилисида ҳам вазият кескинлашди. Бунда ҳам, деди М. С. Горбачев, республика раҳбарлари меҳнаткашлар билан биргаликда сиёсий мулоқот доирасида ҳаракат қилиб кескинликни бартараф этадилар, деб ўйлайман. Ички ишлар министрлиги органлари аҳоли қўлидаги жуда кўп қуролларни тортиб олиш учун ҳали анча иш қилишлари керак.

Биз чуқур хулосалар чиқаришимиз, баҳо беришимиз лозим бўлади, аммо ҳозир ҳам, воқеалар давомида маълум хулосалар чиқариб олмоқдамиз, кучларни жипслаштириш, аҳволни нормал изга солиш, қайта қуришни давом эттириш учун аниқ-равшан тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Умуман, деб таъкидлади М. С. Горбачев, бу воқеалар марказда ва жойларда бизнинг бутун ишимизни одамларнинг кундалик эҳтиёжларига, уларнинг талабларини қондиришга қаратиш нақадар етилганлигини кўрсатди. Ана шу вазиятдан биз асосий хулоса чиқариб олишимиз ва бундан кейинги фаолиятимизда шу хулосага амал қилишимиз керак. Кончиларнинг бир қанча талабларини бажариш марказий органлар фаолиятини яхшилаш билан, иқтисодиётнинг ҳозирги турли-туман бюрократик ғовларни бартараф этиш билан боғлиқлиги мутлақо равшан. Бошқа тармоқлардаги ишчилар коллективларида ҳам шу ҳақда гапирмоқдалар. Кўмир саноати министрлиги ҳамма масалаларни ҳали ҳам юқоридан туриб ёки тармоқ бошқарувининг оралиқ структураларида ҳал қилишга уринаётганлиги кўп жиҳатдан иш ташлашга сабаб бўлганлиги равшан эмасми, ахир. Шундай бўлдики, министрлик шахталарнинг коллективларини ўз ишларини бошқаришларига, яъни корхона тўғрисидаги қонун уларга берган ҳуқуқлардан фойдаланишларига йўл қўймаслик ва уларни ушлаб туриш учун ҳамма ишни қилди. Хуллас, иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қисқа муддатда амалга ошириш лозим. Таклифларни тайёрлаётган Госплан ҳам, ҳукумат идоралари ҳам бу ишни қисқа муддатда амалга ошириш даркор. Иқтисодий ислоҳотимизга тағин ҳам изчил тус бериш зарур.

Маҳаллий органлар ҳам барча маҳаллий масалаларни ҳал қилиш учун тағин ҳам қатъият билан ҳаракат қилишлари керак. Очигини айтиш лозим, шахтёрлар маҳаллий органлар олдига ҳам жуда кўп талаблар қўйдилар. Улар республика, ўлкалар ва облластларнинг партия, совет органлари олдига у ёки бу тармоққа раҳбарликни мустаҳкамлаш масалаларини қўйдилар. Бир қанча ҳолларда зарур қарорлар ҳозирнинг ўзидаёқ қабул қилинди, бу масалалар юзасидан пленумлар ва сессиялар бўлиб ўтди.

Партия Марказий Комитетида бўлажак ҳисобот-сайлов кампаниясини муҳокама қилар эканмиз, деди сўнгра М. С. Горбачев, қуйидаги тўғри хулосага келдик: XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларига мувофиқ ҳисобот ва сайловларни Уставда назарда тутилмаган партия ташкилотларида ҳам ўтказиш керак. Шундай қилиш керак, чунки давримиз партия органларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни мунтазам эшитиб бориш, муҳокама қилишни тақозо этмоқда. Бундан муддао — уларнинг ишини назорат остига олиш лозимлигида, бу иш яна ҳам самаралироқ бўлиши кераклигидадир. Назаримда, Советларнинг бутун ишига қудратли омил бахш этиш учун ҳамма ерда халқ депутатлари Советларининг сессияларини ўтказиш, ушбу сессияларда ижроия комитетларининг ҳисоботларини эшитиш, ҳар бир региондаги аҳволга баҳо бериш, ишларни таҳлил қилиш мақбул бўлади.

Агар биз Олий Советда ана шундай тавсияни айтсак, тўғри бўлади, деб ўйлайман, деди СССР Олий Советининг Раиси. Яқинлашиб келаётган сайлов ҳам зиммамизга катта юмуш юклайди, аммо шунга қарамасдан фурсатни бой бермаслик керак. Барча масалалар, айниқса, маҳаллий тусдаги масалалар ҳал этилиши учун барча Советлар дарҳол ҳаракат қилишлари керак.

Масалалар нечоғлик хилма-хил бўлмасин, аввало иқтисодий ислоҳотимизнинг олға силжиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш биринчи ўринда туриши керак. Бу қайта қуришнинг энг жиддий участкасидир. Бу ерда қийинчиликлар жуда кўп тўпланиб қолди, иш оқсамоқда. Олий Совет мулкчилик, ердан фойдаланиш, регионал хўжалик ҳисоби, маҳаллий Советларга тегишли ҳуқуқлар ва ваколатлар беришга оид масалаларни ва бошқа масалаларни биринчи галда кўриб чиқиши керак. Ушбу масалаларни ҳозир биринчи ўринга қўйиш лозим, бундан муддао уларни халқ депутатларининг навбатдаги иккинчи съезди кўриб чиқишига тақдим этишдан иборатдир.

Депутатлар шу кунги воқеалар хусусида мунозарага киришдилар.

Депутат **Ю. В. Голик** сўз олди, у кемероволик бир гуруҳ депутатлар билан ҳозиргина Кузбассдан қайтиб келган. Биз бир неча ўнлаб учрашувлар ўтказдик, деди у, вазият ҳақиқатан ҳам нормаллашмоқда, деб айта оламиз. Кузбасс кончилари яхши ишлашга қодир эканликларини яна бир карра исботлайдилар.

Кончилар бу исён эмаслигини, норозиликнинг қайнаб-тошиши эмаслигини айтиб қўйишни илтимос қилишди. Гап анча жиддийроқдир. Раҳбарлар, қандай ажойиб ишчилар синфимиз бор, деб дам-бадам гапириб юришарди. Худди ўша синф кўча ва майдонларга чиққанида раҳбарлар бу синфни танимай қолишди. Афсуски, жуда оз сонли партия ва совет раҳбарларигина шу ҳаракатга бош бўлдилар, вазиятни тушунтира билдилар, одамларни тўғри йўлга солдилар.

Ўтган кунлар мобайнида масалани шу таҳлитда ҳал қилишни маъқуллаганлар ва маъқулламаганларнинг гапларини кўп эшитдик. Аминманки, марказдаги ва жойлардаги раҳбарларга бошқача усуллар етиб бормаган бир вазиятда иш ташлаш чорасизлик фиғонидир. Маҳаллий органлар шу масалаларни кўтариб чиқишмаган эди, дейишмоқда. Бу нотўғридир. Область раҳбарлари КПСС съездида ҳам, партия конференциясида ҳам, КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида ҳам бонг уришган эди. Лекин уларни эшитгувчи бўлмади.

Баъзи кимсалар депутатлар оломонининг йўриғига юришди, дейишмоқда. Кўчаларда темирдек мустаҳкам, ҳақиқатан ҳам инқилобий тартиб ўрнатган кишиларни оломон деб аташди. Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак бўлади.

Бу масалани ҳал этиш усули эмас, деб таъкидлади нотиқ, бу фақат ноиложлик фарёдидир. Халқ депутатлари ва иш ташлаш комитети РСФСР Олий Совети Президиумига мурожаат қилиб, маҳаллий Советлар сайловини шу йилнинг ноябрь ойидан кечиктирмай ўтказиш зарурлигини асослаб беришни илтимос қилишга қарор қилдилар. Советларга бутун ҳокимиятни бериш тўғрисида кўп гапирилди. Ишчилар эса ҳокимиятни бермайдилар, ҳокимиятни қўлга оладилар, деган эски ҳикматни исботлашди. Улар отланиб чиқишиб, ҳокимиятни ўз қўлларига олишди. Уларнинг ҳеч бири Совет ҳокимиятига қарши чиқаётгани йўқ. Кончилар ишни барбод қилган конкрет раҳбарларга қаршидирлар.

Депутат **В. П. Лушников** Печора кўмир ҳавзасининг иш ташлаган кончилари билан бўлган учрашувлар ҳақида сўзлади. Дарҳақиқат, иш ташлаш комитетлари пухта тартиб ўрнатдилар, ҳукумат комиссияси билан биргаликда уюшқоқлик билан ишладилар. Бир қанча масалалар ҳозирдаёқ ҳал этилди. Аммо ҳукумат комиссияси ва маҳаллий органларнинг қўлидан келмайдиган масалалар ҳам бор.

Нотиқнинг фикрича, иш ташлаш кунлари телевидение ва матбуот дурустроқ ишламади. Жумладан, «Воргашорская» шахтаси аҳли эндигина иш ташлаганида, бу ерда иш ташлаш тўхтатилди, деб эълон қилинди. Шундан кейин «Правда» газетасида номукаммал ахборот пайдо бўлди. Бу кончиларни жуда ранжитди.

Кончиларнинг коллективлари ҳам, бошқалар ҳам мамлакатда нималар содир бўлаётганини яхши билиб туришибди, деди нотиқ. Шундан кейин у Инта ва Воркута шаҳарлари иш ташлаш комитетларининг мурожаатномасини ўқиб берди. Бу мурожаатномалар, жумладан, иш ташлашлар объектив, қайта қуриш руҳида эканлиги, улар маъмурий-буйруқбозлик, бюрократик системага қарши қаратилганлиги таъкидланган. Эндиликда ўртага қўйилган талабларни ҳал этишни сира пайсалга солиб бўлмайди. Сайловчилар бунинг учун конкрет муддатлар белгиланишини илтимос қилдилар, деди депутат.

Қарағандадан қайтиб келган депутат **Я. А. Дончак** ҳавзадаги аҳвол ҳақида сўзлади. У ўша ерда иш ташлаш тўхтаганини айтди. Кончилар шу кеча-кундузда планга қўшимча 80 минг тонна кўмир қазиб чиқардилар. Айрим муаммолар ўша жойда ҳал этилди. Нотиқ Қараганда ва йўлдош шаҳарларнинг кончилари ҳукумат олдига қўйган талаблар мажмуасини сессия президиумига топширди.

Депутат **С. С. Алексеев**нинг фикрича, бугун мамлакатда вужудга келган кўп қийинчиликлар ислоҳотларимизнинг номукаммаллиги, уларнинг чалакам-чаттилиги билан боғлиқдир. Масалан, корхона ҳақидаги қонун меҳнат коллективларига тўла мустақиллик бермайди, кооперация ҳақидаги қонун эса ҳозирча яркин бозорни очмади.

Депутат шу ерда, Кремлда меҳнаткашларнинг иқтисодий ҳокимиятини тантанали вазиятда эълон қилишни, яъни халқ корхоналари ишлаб чиқариш кооперациясини ижарага олиш йўли билан

(Давоми иккинчи бетда).

Дунё овози

Совет касаба союз делегацияси Ганада

АККРА. Совет касаба союзлари делегациясининг Ғарбий Африкадаги мамлакат транспорт, химия ва нефть химияси саноати ишчилари касаба союзи раҳбарияти билан бу ерда бўлиб ўтган учрашуви СССР билан Гана касаба союзлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

Химия ва нефть химияси саноати ишчилари касаба союзи Ўзбекистон республика комитетининг раиси Н. Т. Қосимов бошчилик қилаётган делегация Гана транспорт, химия ва нефть химияси саноати ишчилари касаба союзининг таклифига мувофиқ, ушбу мамлакатда бўлди ва ўз визитини тугаллади.

Совет Иттифоқи касаба союзларидан бир кўп нарсани ўргандик ва у билан самарали алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз, деди Гана касаба союзининг бош секретари Н. Амоа делегацияни қабул қилиб. Касаба союз йўли билан муносабатларимизни мустаҳкамлаш мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ёрдам беришига аминман, деб таъкидлади у. Н. Амоа химия ва нефть химияси саноати ишчилари касаба союзи республика комитетининг иш тажрибаси билан танишиш учун Ўзбекистон ССРга таклифни миннатдорчилик билан қабул қилди.

Каолиция тузилди

ЛИССАБОН. Португалияда хабар берилишича, бу ерда қатор партиялар ўртасида келишувлар бўлди.

Португалия Коммунистик партияси, социалистик партияси, Португалия демократия ҳаракати ва кўкатпарварлар экологик партияси ўртасида сўл кучлар сайловолди коалицияси тузилганлиги бу ерда расмий тарзда эълон қилинди. У шу йилнинг декабрь ойида пойтахт муниципалитети ва муниципал ассамблеяга сайловларда ҳукумат маҳаллий органларига сайловда кураш олиб боради.

Пешқадамликни қўлдан бермоқда

НЬЮ-ЙОРК. Фан-техника тараққиётини ривожлантиришда узоқ йиллардан буён етакчи роль ўйнаб келган Қўшма Штатлар эндиликда ўзини бу соҳанинг пешқадами деб атай олмайди.

Америкадаги кўпгина олимлар ва мутахассислар, деб ёзади «Ньюсдей» газетаси, ҳозир шундай фикрдалар.

Америкаликлар қилган изтиролар ва кашфиётларга бўлган талабнинг анча камайиб кетганлиги АҚШ жаҳондаги саноати ривожланган бошқа мамлакатлардан фан-техника соҳасида ортда қолаётганлигидан далолат берувчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Япония ҳукумати танг аҳволда

ТОКИО. Япония ҳукумати кейинги уч ой мобайнида иккинчи бор танг аҳволда қолди.

Шошилинч тарзда чақирилган матбуот конференциясида бош министр Сосукэ Уно парламент юқори палатасига якшанба куни ўтказилган сайловда ўзи бошчилик қилаётган ҳукмрон либерал-демократик партиянинг ўнгланиб бўлмайдиган мағлубиятга учраганлиги учун бутун жавобгарликни ўз зиммасига олишини ва истеъфога чиқаётганини расмий равишда эълон қилди.

Америкаликлар «ёпиқ» шаҳарда

АҚШ конгресси аъзоларидан бир группаси ҳамда Америка олимларидан бир неча киши Челябинск областида бўлдилар. Бу ерда Совет Иттифоқининг дастлабки атом реактори қурилган корхоналарини кўздан кечирдилар.

Конгресс аъзолари ва олимлардан ташқари бу ерда эътиборли газеталарнинг мухбирлари ҳамда Совет ва Америка жамоатчилик вакиллари ҳам улар билан бирга бўлишди, мазкур атом реакторининг иши ҳозирги пайтда батамом тўхтатилиб қўйилган.

Делегация аъзолари бу ернинг экологик ҳолати билан ҳам атрофлича танишдилар, берилган кўпдан-кўп саволларга тўлиқ жавоб олишга эришдилар, бу ернинг атроф-муҳити билан яқиндан қизикдилар. Группани СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик Е. П. Велихов бошқарди.

Суратда: делегация аъзолари тўхтатиб қўйилган атом реактори ёнида.

Б. КЛИПЦИНЕР сурати. (ТАСС фотохроникаси).



Н. И. Рижков Донбасс шахтёрларининг вакиллари билан учрашди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков 24 июлда Кремлда Донбасс забастовка комитетларининг вакиллари билан учрашди.

Шахтёрлар ана шу қўмир ҳавзасида вужудга келган кескин вазият тўғрисида сўзлаб бердилар ва меҳнат коллективларининг талабларини баён этдилар. Кончиларни энг кўп қизиқтираётган социал-иқтисодий муаммолар, аввало меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини, пенсия таъминотини яхшилаш, иш ҳақини ошириш, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ шахталарга тўла иқтисодий ва юридик мустақиллик бериш, уларнинг юқори хўжалик органлари билан эмас, балки маҳаллий Совет органлари билан ҳам ўзаро муносабатларини йўлга қўйиш муаммолари муҳокама қилинди. Шахтёрлар ана шу органларнинг шанига ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишда тадбирсизлик, сансалорлик билан, одамларнинг эҳтиёжига эътиборсиз муносабатда бўлаётганлиги билан боғлиқ жиддий даъволарни айтдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси кончиларнинг талабларини келтириб чиқарган бўлиб, бу талаблар шахтёрларнинг стачка комитети билан СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС комиссияси ўртасида баҳамжиҳат чора-тадбирлар тўғрисидаги протоколда баён этилган.

Кончилар кўтарган муаммоларни муҳокама этиш чоғида Н. И. Рижков шахтёрларнинг забастовкалари муносабати билан ниҳоят кескин вазият вужудга келганлигини, бундай вазият халқ хўжалиги учун катта қийинчиликлар туғдираётганлигини қайд этиб ўтди. Шу билан бирга шахтёрларнинг талаблари кўп жиҳатдан асослидир ва йиғилиб қолган муаммоларни асло кечиктирмасдан ҳал этиш зарур.

Учрашув якунида мамлакат бутун кўмир саноатига тааллуқли аниқ-равшан ҳаракат программаси ишлаб чиқилди. Ҳукумат комиссиялари билан мамлакат кўмир ҳавзалари шахтёрлари ўртасидаги битимларнинг протоколлари ижро этиш учун қабул қилинди.

Учрашувда ўзаро мақбул ечимлар топилганлигини эътиборга олиб, Н. И. Рижков Донбасс ҳамда бошқа кўмир ҳавзаларининг кончиларини забастовкани тўхтатиб, ўз иш жойларига қайтишга чақирди.

Учрашувда СССР Министрлар Совети Раиси биринчи ўринбосари Л. А. Воронин, СССР кўмир саноати министрининг биринчи ўринбосари А. Г. Коркин ҳамда СССР халқ депутатлари А. Н. Бойко ва А. Н. Саунин иштирок этдилар.

(ТАСС)

Тартиб ўрнатилмоқда

23 июль куни Сирдарё область Гулистон районидаги Ленин номли колхозда бир гуруҳ ёшлар мехсети туркларининг айрим хонадонларига шикаст етказдилар. Можаро натижасида маҳаллий миллатга мансуб икки киши жароҳатланди.

Можаро чиқишидан олдин болалар ўртасида ғайриқонуний воқеалар юз бергани ҳақида бўрттириб юборилган турли миш-мишлар тарқалган эди.

Тергов органлари жиноий иш қўзғадилар. Текшириш ўтказилмоқда. Гумон қилинган кишилар ушланди. Ўқ отиш қуроллари тортиб олинди.

Область ва районнинг партия, совет, жамоат ташкилотлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари вазиятни нормаллаштириш учун аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар. Жамоат тартибини сақлаш кучлари мустаҳкамланди.

24 ва 25 июль кунлари Ленин номли колхоз ва Гулистон райони территориясида тартибсизликлар бўлгани йўқ. Аҳолининг мутлоқ кўпчилиги осойишта бўлиб турибди, нормал вазиятни сақлашга ёрдам бермоқда.

24 июль куни Гулистонда область фаолларининг кенгаши бўлиб, унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов **нутқ сўзлади. Ўзбекистон** Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси асосида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш юзасидан партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифалари муҳокама этилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова қатнашдилар.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Корея Халқ-Демократик Республикасининг парламент делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Делегацияга КХДР Олий халқ мажлиси доимий комитетининг раиси Ян Хён Соб бошчилик қилмоқда. Делегация СССР Олий Советининг таклифига биноан мамлакатимизга келган.

25 июль куни делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов қабул қилди. У меҳмонларга республикада қайта қуришнинг бориши, жамият турмушида Советларнинг роли ошиб бораётганлиги ҳақида, сайлов системасидаги ўзгаришлар тўғрисида гапириб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. Ш. Бекқулбекова иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).
ишлаб чиқариш воситаларини меҳнат коллективлари ихтиёрига батамом бериб қўйишни таклиф этди. У яна барча корхоналарда давлат буюртмалари 70—80 процентдан ортиқ бўлмаслигини эълон қилишни таклиф этди. Бу тадбирларнинг барчаси меҳнаткашлар реал ҳокимиятининг бошланишидир. Булар — бозор муносабатларига ўтишга имкон беради, деб уқтирди депутат.

Минбарга депутат **Т. К. Пупкевич** чиқади. У кўмир саноатида содир бўлган воқеаларнинг сабабларига тўхталди. Мен бу тармоқда қарийб 30 йилдан бери ишлаяпман, деди у. Биз кўп йиллардан буён коллективларнинг мустақиллиги учун курашдик. 1985 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган Пленумдан кейин руҳимиз енгил тортиб, орзиқиб кутилган фурсат келди, деб ўйлаган эдик. Афсуски, давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун деярли рўёбга чиқмай қолди. Меҳнат коллективлари кенгашлари қўлида ҳам аслида ҳокимият йўқ. Қўшимча изоҳлар қабул қилинган ҳужжатларни йўққа чиқармоқда. Шу боисдан одамлар дарғазаб бўлишмоқда.

Минбарга депутат **В. Г. Кучеренко** чиқади. Тўрт кеча-кундуз мен иш ташлаганлар орасида бўлдим. Ҳукумат комиссияси ва иш ташлаш комитетларининг биргаликдаги протоколи юзага чиқишида бевосита иштирок этдим, деди у. Ҳужжатдаги барча 47 банд адолатлидир.

Кўмир саноатида ана шундай воқеалар содир бўлишининг боиси нимада? Нотиқ ана шу саволга жавоб қидирар экан, неча ўн йиллардан бери тармоқда танг аҳвол содир бўлиб турганлигининг сабабларини таҳлил этди, тармоқдаги бу аҳволда барча иқтисодий зиддиятлар акс этиб турибди.

Сўнгра депутат **А. В. Ярин** сўз олади. У Нижний Тагил кончилари агар Тагил кончиларини фан-техника тармоқлараро комплексидан ажратиш тўғрисидаги талаблари бажарилмаса иш ташлаш бошлаймиз, деб огоҳлантирмоқдалар, деди у. Нотиқ ўз сайловчиларини ишонтириб, Москвада кончиларнинг бу фикри жиддий ўрганилаётганлигини айтди ва бу ахборот саноат марказида кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олади, деб умид билдирди.

Депутат **К. К. Уоканинг** фикрича меҳнаткашларнинг манфаатларини ифода этиш формаси сифатида иш ташлашлар зарур, лекин унинг стихияли характерда бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас. Бунинг учун ишчилар синфига уюшиш имкониятини бериш лозим, мустақил касаба союзлари зарур, бунинг учун эса улар ихтиёрига оммавий ахборот воситаларини бериб қўйиш керак, деб таъкидлади нотиқ.

Сессияда бугун ўз-ўзидан умумсиёсий мунозара бошланиб кетди, деди депутат **Н. В. Федоров**, бунга кўмир саноатидаги воқеалар сабаб бўлди. Лекин гап фақат кўмир қазиб олувчиларнинг муаммолари хусусидагина бўлиши керак эмас. Ҳамма тармоқларда ҳам «мана мен» деб турган муаммолар бор.

Қайта қуриш муаммолари, унинг депсиниб туриши сабаблари хусусида мунозара бўлмоқда, деди нотиқ. Аҳволга, фақат ишчилар синфи бош кўтарди, деб баҳо бериш керак эмас. Нонлож қолган бутун халқ бош кўтарди. Бу синфий бош кўтариш эмас, балки бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасидаги зиддиятдир.

Ҳозир Донецк шаҳрида иш ташлашлар авжига чиққан районларнинг вакилиман, — деб сўз бошлади депутат **А. Н. Бойко**. У сессияга иш ташлаш комитети делегацияси составида келганлигини айтди.

Иқтисодий жиҳатдан оладиган бўлсак, иш ташлаш—фожиа. Аммо сиёсий жиҳатдан аҳволга бундай баҳо бериб бўлмайди. Бунинг боиси шунда бўлса керакки, мамлакатимизда қайта қуриш эмас, чалакам-чатти қайта қуриш бўлмоқда, демократиялаш эмас, демократиялашни эрмак қилиш бўлмоқда. Одамлар кўчага чиққан экан, бунинг боиси совуннинг тақчиллигида эмас, балки адолатнинг тақчиллигидадир. Шу муносабат билан нотиқ маҳаллий ҳокимиятнинг ролига эътиборни қаратди, касаба союз органларига ва меҳнат коллективларидаги бошқа сайлаб қўйиладиган органларга, шунингдек корхоналарнинг раҳбарларига ишонч тўғрисидаги масалани ўртага қўйди.

Депутат **В. А. Леончев** Олий Советнинг ишига баҳо берар экан, у халқ депутатлари олдига қўйилган асосий вазифаларни тўла бажармаяпти, деди. Митинг формасидан воз кечиш пайти келди. Халқ жамият турмушини яхшилашга қаратилган мукаммал қонуншунослик системасини тезроқ бунёд этишни талаб қилмоқда.

Депутат партия тўғрисидаги мунозараларга тўхталди, депутатларга шу мунозарани тиқиштиришга уринмоқдалар. Агар шу масала хусусида мунозара очишга истак бўлса, деди у, ишдан ташқари вақтда Олий Совет аъзоларининг очиқ партия йиғилишини ўтказиш керак. Партияни ишчилар синфи тузган ва унинг асосий мақсади халқнинг турмушини яхшилашдир, деб таъкидлади депутат.

Мен ҳам Донбассдаги воқеаларнинг гувоҳи бўлдим, деди депутат **А. С. Вуйчицкий**, бу ҳақиқатан ҳам мураккаб ва жиддий воқеалар эканлигини айтмоқчиман. Иқтисодий талаблар билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият органларига жиддий эътирозлар ҳам айтилаётгани сабабли бу воқеалар таҳли калидир.

Бўлиб ўтган сайлов, халқ депутатлари биринчи съездининг иши ва сессиямизнинг иши жамиятга революцион ўзгартишлар киритди, лекин бу жараён мантиқан якунлангани йўқ. Маҳаллий Советларга ҳозирча эскича фикрлаш, ишга эскича муносабат хос бўлиб турибди.

Бизни халқ депутатлари деб аташади, деб эслатди депутат **П. М. Клишчук**, бинобарин, биз халққа дахлли бўлган барча етилган муаммоларни ҳал этишимиз лозим. Ҳозир одамлар нега оёққа турди? Чунки социал адолат бир четга чиқариб қўйилди. Халққа фақат ваъда бериладиган бўлиб қолди. Сўнгги вақтда жуда кўп қарорлар қабул қилинди, лекин улар иш билан мустаҳкамланмади.

Жойлардаги ҳокимият тўғрисида кўп гапирилмоқда. Аммо маҳаллий Советнинг на маблағи бор, на ҳуқуқи. Уларнинг ваколатларини реал мазмун билан тўлдириш керак. Ветеранлар ва инвалидлар ишлари комитетига минглаб хатлар келмоқда, деди нотиқ. Уларнинг муаллифлари ҳам таъминланган оилаларга реал ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ушбу сессиядаёқ қабул қилиш керак деган фикрни айтмоқдалар.

Мен Олий Советнинг аъзоси эмасман, деди Челябинскдан сайланган депутат **А. Корлов**. У ўзининг минбарга чиқишини парламент ишининг мазмуни хусусида таҳайюр билдираётган сайловчиларнинг қатъий илтимоси билан изоҳлади. Уларнинг фикрича, мамлакатда юз бераётган фавқулодда сиёсий ва иқтисодий воқеалар муносабати билан қарорлар қабул қилинмаяпти.

Иш ташлашлар бир-бирига уланиб кетишига йўл қўймаслик учун, деб таъкидлади депутат, тегишли қонун қабул қилиш ва уни касаба союзлари тўғрисидаги қонун билан боғлиқ қилиб қўйиш керак. Касаба союзлари иш ташлаш ўтказилгани учун моддий зарарни қоплаш нуқтаи назаридан ҳам жавобгар бўлиши лозим.

Шахтёрларнинг иш ташлаши, деди депутат **В. И. Кириллов**, — халқ депутатлари съездига жавобдир, бу Олий Совет сессиясида министрларни тайинлаш тартибидан қониқмасликдир, ҳам съезд, ҳам сессия ишидан қониқмасликдир. Унинг назарида, барча корхоналарга дарҳол мустақиллик бериш керак, акс ҳолда шахтёрларнинг талаблари қондирилгандан кейин саноатимиз бошқа тармоқларининг ходимлари оёққа туради.

Нотиқ маҳаллий Советларни муддатидан олдин тарқатиб юбориш ва демократик асосда маҳаллий Советларга сайлов ўтказишни эълон қилишни таклиф этди.

Ҳозирги пайтда депутатларнинг вазифаси, деди депутат **Э. А. Панфилова**, — аниқ-равшан позицияларни ишлаб чиқиш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилишдан иборат. Одамлар яна сабр-тоқат қилишга тайёрдирлар. Лекин улар нима учун сабр қилиш лозимлиги ва эртага нима бўлишини билишни истайдилар. Сўнгги вақтда шошма-шошарлик билан кўпгина қарорлар қабул қилинди ёки аксинча, ўткир муаммоларни ҳал қилиш пайсалга солинди. Мураккаб жараёнларга ўз вақтида муносабат билдириш зарур.

Нотиқ министрликларнинг янги вазифаларга ўтиш даври тўғрисида гапириб, бу жараён чўзилиб кетмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Маъмуриятчилик-буйруқбозлик системаси ҳамон амал қилмоқда. Аппаратни қисқартириш кўпинча номига бўлмоқда.

Биз сиёсат билан иқтисод ўртасидаги нисбат муаммосини ҳал қилмоқдамиз, деди депутат **К. Д. Лубенченко**. Зиддиятлар тугуни жуда чалкаш. Одамлар ярим-ёрти чора-тадбирлардан нолимоқдалар. Келинглар, биз ниммаданиятли мамлакат эканлигимизни унутмайлик. Агар биз барча корхоналарни ижарага берадиган бўлсак, уларнинг кўплари деярли тўла равишда қўл меҳнатига асосланган ва товар ишлаб чиқазмайди-ку ахир. Ижарага бериш керак, лекин моддий-техник жиҳатдан таъминланганлик шароитида ижарага бериш лозим. Бу тадбирни жуда эҳтиёткорлик билан ўтказиш лозим.

Ҳозир сиёсий марказ чиндан ҳам жойларга кўчиши зарур, у ерда Советлар ҳокимиятни ўз қўлига олиши лозим. Лекин жойлардаги депутатларнинг ҳозирги корпуси халқ учун деярли ҳеч иш қилмаяпти. СССР халқ депутатлари номига келаётган шикоятлар ва хатларнинг жуда кўплиги ҳам шу билан изоҳланади. Нотиқнинг фикрича, маҳаллий сайлов тўғрисидаги Қонун асосларини ишлаб чиқиш зарур, акс ҳолда жойларда ҳозирги депутатлар корпуси ҳокимиятининг сақлаб қолиниши учун, қайта қуришни тўхтатиб қўйиш учун ҳамма иш қилинади.

Депутат **Б. Н. Ельцин**нинг фикрича, мамлакатда юз берган вазият жамиятда, партияда, социал, миллий масалаларни ва бошқа масалаларни ҳал қилишда кризис бошланганлигини кўрсатиб турибди. Марказдаги ва жойлардаги бюрократик аппарат халқ депутатлари сайловидан кейинги босқичда қасдини олишга бел боғлади. КПСС Марказий Комитетининг, Министрлар Советининг жуда кўп қарорлари, биргаликда қабул қилинган ҳужжатлар бажарилмай қолиши шунга олиб келдики, одамлар сиёсий, иқтисодий ва социал талабларни кўтариб чиқдилар. Бундай вазиятда бой берилган халқ ишончини тиклаш зарур, деб ҳисоблайди депутат. Олий Совет биринчи навбатда қандай қонунлар қабул қилиш, сўнгги чорани кўришга мажбур бўлган одамлар тақдирини қандай қилиб енгиллатиш ҳақида ўзининг аниқ, қатъий фикрини айтиши лозим.

Халқ депутатлари съезди даёқ, деди нотиқ, меҳнат аҳли манфаатларини кўзлаб, олдиндан тайёрлаб қўйилган бир неча қонунларни қабул қилиш керак эди. Бироқ съезд социал адолат ҳақида, имтиёзларни тугатиш тўғрисида ҳужжат қабул қилмади, фақат комиссия тузилди холос. депутатнинг фикрича, бу масалани ҳал қилишни навбатдаги пайсалга солишдир.

Жойлардаги совет ва партия органларининг фаолиятсизлиги ҳам, саросимага тушганлиги ҳам вазиятни кескинлаштирмоқда, улар маҳаллий Советларга сайловда мағлуб бўлишларига ишонадилар, деб ҳисоблайди нотиқ. Бу аҳвол минглаб одамлар жойларда ҳақиқат тополмай, ҳақиқат излаб Москвага келишларига, ўз кулфатлари тўғрисида халқ депутатларига мурожаат қилишларига олиб бормоқда.

Депутат **В. И. Колесников** вазиятга принципиал баҳо бериб, бундан буёнги ҳаракат программасини белгилаб олишга чақирди. Ишларнинг аҳволи кескинлашувининг ҳар бир конкрет ҳолининг ўз сабаблари бор. Лекин умумий сабаблар ҳам мавжуд. Бундай сабаблар иқтисодий ва социал соҳа билан боғлиқ. Меҳнатчининг ўз меҳнатидан ажратиб қўйилганлиги, бюрократик аппарат ҳокимиятининг сақланиб қолаётганлиги — буларнинг ҳаммаси ўзгаришларнинг боришини секинлаштирмоқда.

Бизда, деди депутат, меҳнаткаш инсон хўжайин деб эълон қилинган. Лекин тарихда хўжайин иш ташлаган ҳоллар бўлганми? Бундай вазиятда, деб давом этди у, ҳозир Олий Советда қарор топган қонун қабул қилиш фаолиятининг суръати етарли эмаслиги равшан бўлиб қолмоқда. Депутат, унинг назарида унча долзарб бўлмаган қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни вақтинча тўхтатиб, бутун диққат-эътиборни Олий Советнинг мулк масалалари (шу жумладан саноат корхоналари ва ерга эгалик масалалари), ижара, регионал хўжалик ҳисоби, маҳаллий Советларнинг реал ҳокимиятини таъминлаш масалалари каби йўналишларга қаратишни таклиф қилди.

Депутат **Б. Н. Рогатин** ҳамюртлари — Кузбасс шахтёрлари ишга чиққанларидан мамнун бўлганлигини айтди. Шу билан бирга нотиқ Б. Н. Ельцин ҳамда бошқа депутатларнинг СССР Олий Советининг вазифалари ва ҳаракатларига тааллуқли нутқлари хусусида ўз фикрини айтиш учун минбарга чиққанлигини маълум қилди. Хусусан бу ерда регионлараро депутатлар группасини тузиб, унинг мажлисларини ўтказиш ҳамда халқ депутатлари иккинчи съездига ташкилий тайёргарликни, СССРнинг янги Конституцияси, бошқа қонун актлари лойиҳаларини тайёрлашга даъватлар уни ташвишга солди.

Аслини олганда, деди нотиқ, гап мувозий иш олиб борадиган СССР Олий Советини ташкил этиш тўғрисида бормоқда. Ишни муҳолифликкача етказмаслик учун, деб давом этди у, вакиллари ўзларини сўл радикал ғояларнинг ифодачилари деб атаётган группани ақлини йиғиб олишга чақириш керак. Унинг фикрича, ҳар қандай ғояларни айтиш учун минбар беркитиб қўйилмаган ҳозирги пайтда навбатдаги съездни муваффақиятсизликка олдиндан маҳкум этадиган янги структураларни тузмаслик керак.

Депутат **Е. В. Коган** кўмир саноатидаги иш ташлаш билан боғлиқ бўлмаган воқеаларга тўхталди. У Эстонияда ва Болтиқбўйидаги бошқа республикаларда юз бераётган жараёнларга ўз муносабатини билдирди.

Яқинда биз Қирғизистонда тоғли районларда ишлаётган чорвадорлар билан учрашув ўтказдик, деди депутат **Р. А. Сотиболдиев**. Чорвадорлар мамлакатдаги аҳволдан ташвишланиб, митинглар ва иш ташлашлар билан халқни тўйдириб бўлмаслиги тўғрисида гапирдилар. Кўпгина товарларнинг етишмаётганлиги ҳозироқ сезилиб турибди. Чорвадорлар ақл-идрок билан иш тутишга чақирдилар. Агар бизда кўмир етишмаса, касалхоналар, болалар боғчалари ва муассасалар иситилмай қолади.

Сўнгра нотиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархининг хўжаликлар сотиб олаётган техника, ускуналар нархига мос эмаслиги тўғрисидаги масалани қўйди. Колхозлар ва совхозларнинг зарарини қандайдир йўл билан қоплаш керак, деди у. Ҳозирги вазиятдан чиқиш йўлини биз биргаликда қидириб топишимиз ва мамлакатнинг олға томон ҳаракат қилишини таъминлашимиз керак.

Депутат **И. С. Внебрачний** депутатлар фақат ишчилар синфининг эмас, балки аҳоли кенг қатламларининг вакили эканлиги сабабли СССР Олий Советида ишчиларнинг депутатлар группасини тузиш тўғрисидаги масалага пухта ўйлаб ёндашишни таклиф қилди.

Нотиқ темир йўл транспортидаги муаммоларга эътиборни қаратди. У ана шу тармоқда қўл меҳнати 50 процентни ташкил этишини, бир неча юз минг ходим, уларнинг тўртдан уч қисми хотин-қизлар оғир жисмоний меҳнат билан банд эканлигини эслатди. Депутат социал масалаларни менсимаслик темир йўл транспортида ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин, деб хавфсираётганлигини айтди. У темир йўл транспорти ходимларига мурожаат қилиб, мураккаб вазиятда вазмин бўлишга чақирди.

Мамлакатимизда миллий даромаднинг етмиш процентни бюджет орқали қайта тақсимланади — бу рақамни депутат **С. У. Каллас** ўз нутқида келтирди. Совет Иттифоқида сўнгги йигирма йил давомида муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш учун марказий раҳбарият қўлида чинакам афсонавий миқдордаги маблағ тўпланиб қолган аҳволга танқидий баҳо берди. Депутатнинг фикрича, сўнгги вақтгача бу маблағнинг сарфланиши устидан деярли ҳеч қандай назорат йўқ эди.

Бутун ҳокимиятни қатъий маҳаллийлаштириш, масъулиятнинг бир қисмини жойларга — республикаларга, корхоналарга топшириш керак, деди нотиқ. Бу вазифаларни нотиқ ҳозирги сессияда кўриб чиқиш учун энг асосий вазифа деб ҳисоблаб, айни шу йўналишда қонун ишлаб чиқишга устунлик беришни таклиф қилди.

М. С. Горбачев мунозарага якун ясар экан, мунозара мураккаб бўлди ва кўтарилган барча масалаларга батафсил жавоб бериш мумкин бўлмаса керак, деб таъкидлади. Турлича нуқтаи назарлар, улар нечоғлик ўткир ва нечоғлик бир-бирига зид бўлмасин, уларнинг ҳар бири фойдали бўлди.

СССР Олий Советининг Раиси кончилар регионларидаги воқеалар хусусида тўхталиб, ҳозирча аҳвол хавотирли бўлиб турганлигини яна бир карра таъкидлади, лекин вазият эндиликда яхшилик томонга тубдан ўзгара бошлади. Буни таъкидлаш зарур.

Иккинчиси, марказ ва кончиларнинг иш ташлаш комитетлари вакиллари томонидан маҳаллий органларнинг иштирокида келишиб олинган ва имзоланган барча таклифлар дарҳол чора кўриш учун СССР Олий Совети комитетлари ва ҳукуматга тақдим этилади. Кўп масалалар протоколларда қайд этилишидан илгари комиссиялар, ҳукумат, бошқа марказий идоралар билан биргаликда, КПСС Марказий Комитети, Олий Совет аъзолари иштирокида дастлабки тарзда ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, бир қанча масалалар ҳозироқ деярли келишиб олинди, бу хусусда қарорлар қабул қилиниши керак.

Бошқа масалаларга келганда, протоколларда уларни ҳал этиш муддатлари белгиланган. Қарорлар келишиб олиниши учун ҳукумат ҳам, комитетлар ҳам ана шу протоколлар асосида ишлашлари керак, тақдим этилган ҳужжатлардаги барча позициялар акс этиши лозим. Шундан кейин ҳукумат ва комитетлардан ахборот олинади, баъзи масалаларни ҳукумат ҳал қилади, бошқалари эса қонун актлари тусини олиб, Олий Советга тақдим этилади.

Кончиларнинг регионларида содир бўлган воқеалар бутун мамлакатни ташвишга солди, деб сўзини давом эттирди М. С. Горбачев, биз ҳаммамиз ана шу воқеаларга дахлдор масалалар ва муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланмоқдамиз. Бу жуда синчковлик билан ўрганилиши ва муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалардир. КПСС Марказий Комитети маҳаллий партия органларига қуйидаги истакни айтди ва улар олдига шундай талабларни қўйди. Партия йиғилишларини, партия комитетларининг пленумларини ўтказиб, бу йиғинларга, агар зарур бўлса, ишчилар синфининг вакилларини ҳам таклиф қилиш керак. Ҳа, таклиф этиш лозим бўлади. Фақат марказий органларгагина умид боғлаш нотўғри бўлур эди. Барча ўткир масалаларни жойларда муҳокама қилиш ва вазиятни яхшилик сари ўзгартиришга қодир бўлган қарорлар қабул қилиш керак.

СССР Олий Совети томонидан барча поғоналардаги Советлар — район, шаҳар, область ва республика Советлари шанига худди ана шундай тавсия, ҳатто талаб айтиш керак. Биз касаба союзларига ҳукм ўтказа олмаймиз, лекин касаба союз органларига мурожаат қилиш керак, улар ҳам барча масалаларни ўйлаб кўришсин, зарур чораларни қабул қилишсин, шундай қилишга депутатларнинг ҳаққи бор.

Энди маҳаллий Советларга сайлов тўғрисида айтмоқчиман. Биз бу масалаларни республикалар ҳал этади, деб келишиб олган эдик. Дарвоқе, айрим республикалар, СССР Олий Совети, жуда бўлмаганда СССР Олий Совети Президиуми ҳар бир республикада сайлов қонунлари тайёрлашнинг қандайдир асосий принципларини ишлаб чиқсин, деган таклифни айтишди. Баъзи республикалар эса бу таклифга батамом қарши чиқишди, улар буни республика органларининг вазифасидир, деб ҳисоблашмоқда. Келинг, маслаҳатлашайлик, аммо бу қарор барча республикалар билан келишиб олинган бўлиши керак. Республикаларнинг намояндалари шу ерда, Москвада учрашиш, кенгаш ўтказиш, нуқтаи назарларни таққослаб кўриш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилдилар. Шанба куни ана шундай учрашув бўлди. Ушбу учрашувда А. И. Лукьянов, палаталарнинг раислари қатнашдилар. Бу жуда ҳам самарали, турли-туман мулоҳазалар айтилган фикрлашув бўлди. Эҳтимолки, республикаларда бир хил қонунлар қабул қилинмас, кўпчилик республикалар ўз регионларининг ўзига хос шароитларига мос бўлиб тушадиган қонунлар қабул қилиш устида ўйламоқдалар. Агар ўртоқлар сайловнинг умумий принциплари, умумий принципиал йўналтириб турувчи ҳужжат ишлаб чиқилиши зарур, деб ҳисоблашаётган бўлса, келинг, фикр алмашайлик.

Кўпгина республикалар сайловни турли муддатларда ўтказишни мўлжалламоқдалар. Юқоридан туриб буйруқ берамизми ёки йўқми? Кўпчилик округ йиғилишлари керак эмас, дейишмоқда, аммо бошқа фикрлар ҳам бор. Ана шу барча пунктлар юзасидан мунозаралар бўлди. Жамоат ташкилотлари тўғрисида ҳам жуда жиддий масала муҳокама қилинди. Жамоат ташкилотларининг сайлов кампанияси сиёсий жараёнига қўшилиши кўпгина қизиқарли ва муҳим янгиликларни юзага чиқарганлигини пировардида ҳозир ҳамма тушуниб турибди. Ана шу восита орқали биз одамларнинг кайфиятини, фикрларнинг хилма-хиллигини илғаб олдик.

Ленинградлик ишчилар ҳам, бошқа ишчилар ҳам ўтган сайлов кампаниясида ишчилар фаол иштирок эта олмай қолишгани тўғрисидаги масалани ҳам ўртага қўйдилар.

Бунинг учун ишчилар партияни асосли тарзда айбламоқдалар, партия, табиийки, сайловда фаол ишлади, платформани таклиф қилди. Меҳнаткашлар билан биргаликда ижодий муҳит вужудга келтиришга, демократик принципларни мустаҳкамлашга интилди, халқимиз, жамиятимиз талаб қилаётган қайта қуриш вазифаларига жавоб берадиган депутатлар корпусини тузишга ёрдам берди. Ишчиларнинг бу фикрини қабул қилиш керак бўлади.

Менга маълум бўлишича, деди М. С. Горбачев, барча республикалар шу яқин орада маҳаллий Советларга сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлашмоқчи ва муҳокама учун эълон қилишмоқчи. Бу сайлов хусусидаги гапдир.

Аммо ҳозир сессияларда кечиктирмай ҳал этилиши лозим бўлган, етилган масалалар бор. Кадрлар масаласини ҳал этиш зарур бўлган жойларда, сайлов кампаниясини кутиб ўтирмай, бундай қарорларни қабул қилиш керак. СССР Олий Совети бу ҳолда республикаларга ишонч билдириши керак, лекин бунинг битта зарур шарти бор, регионлардаги сайловолди жараёнлари, республика органларининг қарорлари барча сайлов қонунларимизда бошланган демократиялаш жараёнининг давоми бўлиши, бўлажак сайлов меҳнаткашларнинг уй-ташвишларини, орзу-умидлари ва манфаатларини ҳисобга олишга имкон бериши керак. Биз, маҳаллий Советлар, маҳаллий партия ва касаба союз органларини мустақилликдан маҳрум қилмаслигимиз керак. Агар, уларда масалалар етилган бўлса, муҳокама қилишаверсин, шу масалаларни ҳал этишаверсин, муммоларни бартараф қилишсин, муҳокама қилишаверсин ва қарорлар қабул қилишаверсин.

Энди мунозараларнинг иккинчи энг муҳим қисми хусусида тўхталмоқчиман. Марказ шанига кўпгина аччиқ таъналар, танқидий мулоҳазалар ва эътирозлар айтилди. Ана шу барча танқидий мулоҳазалардан мамлакатдаги реал аҳволни яхшилашга ёрдам берадиганларини олиш керак. Биз ҳаммамиз шу фурсатнинг бутун масъулиятини, қатъий чоралар кўриш зарурлигини, амалда зўр бериб ишлаш кераклигини тушуниб турибмиз.

Биринчи навбатда СССРда мулкчилик тўғрисидаги, ер ва ердан фойдаланиш, ижара ва ижара муносабатлари, СССРда ягона солиқ системаси тўғрисидаги қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш, давлат корхонаси тўғрисидаги, кооперация ҳақидаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунларни, шунингдек социалистик корхона тўғрисидаги қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш, ўз-ўзини бошқариш, суверен ҳуқуқларини кенгайтириш асосида иттифоқдош республикалар экономикаси ва социал соҳасига раҳбарликнинг умумий асослари ҳақидаги, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, маҳаллий хўжалик умумий асослари ҳақидаги, қонунларни тайёрлашимиз ва қабул қилишимиз керак. Мунозара чоғида яна иккита таклиф қўшилди, булар қасаба союзлари тўғрисида янги қонун ва иш ташлашлар, яъни коллектив меҳнат низоларини ҳал этиш ҳақида қонун ишлаб чиқиш билан дарҳол шуғулланиш хусусидаги таклифлардир. Агар бу масалаларни пухта ишлаб чиқсак, биз дарҳол ишнинг янги босқичига кўтариламиз, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотнинг равнақи учун кенг йўл очилади.

Депутатлар август ойида тарқаб кетишимиздан илгари ва сентябрь ойининг ўрталарида яна учрашишга қадар ушбу сессияни кам таъминланган оилалар тўғрисида қонун қабул қилиш билан якунлаш истагини айтдилар. СССР халқ депутатлари съездида ана шундай қонунни тайёрлаш ва ушбу қонун 1990 йилнинг 1 январидан кучга киришини мўлжаллаб уни қабул этиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Кам таъминланган одамлар пенсияларини ошириш учун биз 6 миллиард сўмни қидириб топишимиз керак.

Депутатлардан партия взносларининг бир қисмини, тахминан учдан бир улушини олиб бу маблағни пенсия таъминотига сарфлаш тўғрисида таклиф тушганидан кейин ушбу таклиф КПСС Марказий Комитетида кўриб чиқилди. Бу ғоя Сиёсий бюрода ҳам, область комитетларининг барча секретарлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Кам таъминланган пенсионерларга ёрдам бериш ва қонунни биринчи октябрдан бошлабоқ жорий этишга қарор қилинди. Партия взносларидан ажратилган 500 миллион сўм бор, 6 миллиарднинг тўртдан бир қисмини, яъни бир ярим миллиард сўмни топиш керак. Бизга маълум бўлишича, касаба союзлари ҳам бу таклифни маъқуллаб, аъзолик взносларининг бир қисмини, яъни тахминан 700 миллион сўм ажратишмоқчи. СССР Олий Совети Президиумига Совет тинчлик фонди правлениеси раиси А. Е. Карповдан правление миллионлаб совет гражданларининг ўз ихтиёрлари билан бераётган взносларидан таркиб топаётган маблағларидан 50 миллион сўмни аҳолининг кам таъминланган қатламлари пенсияларини ошириш билан алоқадор тадбирларни таъминлаш учун ажратилгани ҳақида қарор қабул қилганлиги тўғрисида хат тушди.

Демак, 1 миллиард 250 миллион сўм бор. Қонунни кутиб ўтирмай, ушбу қонун принципларига асосланиб 1 октябрдан бошлаб ана шу тадбирни амалга ошириш учун 250 миллион сўмни топамиз деб ўйлайман, деди М. С. Горбачев.

Қонуннинг ўзини ҳозир биз қабул қила олмаймиз, чунки барча масалаларни, барча манбаларни пухта ўйлаб кўришимиз керак. Аммо 1 октябрдан бошлабоқ бундай тадбирни кўришимиз керак. Шу сессиянинг ўзидаёқ бу ҳақда қарор қабул қилишимиз мумкин бўлур эди.

М. С. Горбачев мунозараларда кўтарилган социал адолат масалалари, муайян табақадаги кишилар учун белгиланган имтиёзлар ҳақида тўхталиб бундай деди: расмий тарзда белгиланган бир қанча имтиёзлар, енгилликлар кўп йиллар мобайнида таркиб топди.

Бу қатъий равишда бекор қилиниши, қораланиши керак, бу масалада тартиб ўрнатилиши лозим. Биз комиссия тузяпмиз, шу комиссия шуғулланади ва бу хусусда ўз мулоҳазаларини кузги сессияга тақдим этади.

Биз ҳар бир қадамимизни ўйлаб босишимиз керак, деб давом этди СССР Олий Советининг Раиси. Кўпгина депутатларнинг нутқларида ифодаланган бизнинг муштарак истакларимизни амалга оширадиган барча қонунларни тезроқ тайёрлаш билан асосли равишда шуғулланишимиз даркор. Биз экономика, мамлакат, бутун жамиятимиз тақдирини ҳал қиладиган муаммоларни пухта ўрганмай туриб йўл-йўлакай, кайфиятга қараб ҳаракат қила олмаймиз. Депутатлар нутқларида баён этилган ташвишлар ва ҳаяжонларни англаб биз асослиликни, ҳар томонлама ўйлаб кўришни сақлаб қолишимиз, ўз қарорларимизни фаол ва самарали ишга айлантиришимиз лозим. Биз ана шундай асосли йўлдан боришимиз лозим, деб ўйлайман, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Агар сиз бундай ёндашувга қўшиладиган бўлсангиз шахтёрлар юзасидан ҳам, кам таъминланганлар учун пенсиялар юзасидан ҳам, Советларнинг фаолияти хусусида ҳам улар сессияларни ўтказиб барча долзарб масалаларни муҳокама қилишлари учун қандай топшириқлар беришни ўйлаб кўриш ва депутатлар муҳокамасига тақдим этиш лозим бўлади.

У ҳолда биз ҳукуматга ва СССР Олий Советининг тегишли комитетларига топшириқ беришимиз керак. Ҳамма ишни кўриб чиқишсин. Маслаҳатлашишсин, республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раисларини таклиф қилишсин, уларнинг фикрларини тинглаб, баҳолаб сўнгра Олий Советга ахборот беришсин.

Сўнгра депутатлар **В. И. Воскобойников, В. Я. Медиков, Н. Н. Гриценко** муҳокама қилинган масалалар юзасидан конкрет таклифлар ва мулоҳазаларни айтдилар.

Кечки мажлисда **раислик қилувчи** кун тартибидаги масалага яна қайтишни таклиф қилди. Олдинги муҳокама, деди у, «СССР халқ депутатлари съезди СССР Олий Советига берган топшириқларни бажаришга доир ишларни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилинишини тағин ҳам долзарб вазифага айлантиради. 19 июль куни сессияда айтилган мулоҳазалар ва таклифлар ҳисобга олиниб қарор лойиҳаси тайёрланган.

Эрталабки мажлисдан сўнг бир қанча қонунлар лойиҳаларини биринчи навбатда тайёрлаш ва СССР Олий Совети муҳокамасига қўйиш тўғрисида гап борадиган иккинчи бандига, тушунишимча биз келишиб олган нарсани, яъни касаба союзлари ва коллектив меҳнат можаролари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини, шунингдек эрталабки мажлисда бўлиб ўтган фикрлашувни ҳисобга олиб, кам таъминланган кишиларнинг пенсиясини ошириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қўшимча қилиш лозим.

Қарор лойиҳасини муҳокама қилишда депутатлардан **В. Д. Юдин, Т. К. Исмонлов, В. С. Шевченко, К. Д. Лубенченко, Д. Г. Смирнов, В. И. Воскобойников, Н. Н. Энгвер, А. И. Бурачас, В. А. Тетенов, И. П. Зелинский, В. И. Прокушев, Г. И. Фильшин, А. А. Собчак, С. Н. Хожнев, С. А. Амбарцумян, Г. Сафиева, В. Г. Ардзинба, Н. И. Игнатович, С. В. Беловерцев, Т. П. Буачидзе** ва бошқалар қатнашдилар. Маҳаллий Советларга сайлов тартиби тўғрисидаги тавсияларни тайёрлашнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масала мунозарада марказий ўринлардан бирини эгаллади, республикаларнинг тегишли қонунларини ишлаб чиқиш чоғида ана шу тавсиялар ҳисобга олиниши мумкин бўлур эди.

М. С. Горбачев муҳокама қилинган масала юзасидан баъзи тушунтиришлар ва таклифлар билан сўзга чиқди. Хусусан у СССР Конституциясининг текстига бир томондан сайлов тўғрисидаги республика қонунларининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган, иккинчи томондан — бу масалада иттифоқдош республикалар суверенитетини бевосита бузишни истисно қилишга имкон берадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тайёрлашни таклиф қилди.

Сессия айтилган мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб, «СССР халқ депутатлари съезди СССР Олий Советига берган топшириқларни бажаришга доир ишларни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилади.

Депутатлар СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришадилар. Доклад қилиш учун сўз СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари **А. И. Лукьянов**га берилади.

Сўнгра депутатлар баъзи ташкилий масалаларни муҳокама қилдилар.

Шу билан палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

СССР Олий Советининг биринчи сессияси 25 июлда ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида А. И. Лукьянов доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

СССР Олий Советининг «СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида» СССР Олий Советининг 1988 йил 1 декабрь қарорига мувофиқ СССР Олий Совети Президиумига Олий Советнинг сессиялари ўртасидаги даврда, зарурат туғилган тақдирда, СССРнинг амалдаги қонун актларига ўзгартишлар киритиш, сўнгра фармонларни СССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этиш топширилган эди.

Президиум чиқарган ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети кўриб чиқмаган фармонлар СССР халқ депутатлари сайлаган Олий Советнинг муҳокамасига киритилиши лозим, деб ҳам белгилаб қўйилган эди.

Шу вақт ичида қабул этилган фармонлар сизларга топширилган. Депутатларнинг истаклари ҳисобга олиниб, даставвал бу фармонлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига хулоса чиқариш учун топширилди ва шу комитетда бошқа комитетлар ҳамда комиссияларнинг иштироки билан кўриб чиқилди. Ўтган ҳафтада бу иш ниҳоясига етказилди ва Олий Совет Президиуми ўзи қабул этган ҳамма қонун актларини сизларнинг тасдиғингизга тақдим этиш имкониятига эгадир.

Сизларнинг муҳокамангизга ҳаммаси бўлиб 18 та фармон киритилади. Совет жамияти турмушининг турли соҳаларига тааллуқли бўлган бу фармонлар иқтисодий системани ўзгартириш борасида бошланган ишларни янада чуқурлаштиришга, ҳуқуқий соҳага инсонпарварлик руҳини сингдиришга, мамлакатда уюшқоқлик ва тартибни кучайтиришга қаратилган.

Хўш, қайси ҳужжатлар ҳақида гап боряпти?

Аввало «СССРда ижара ва ижаравий муносабатлар тўғрисида» 1989 йил 7 апрелда қабул этилган фармон ҳақида гапирмоқчиман. Эсингизда бўлса, шу фармонни қабул қилишдан аввал социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини ижара принциплари асосида takомиллаштириш юзасидан партия Марказий Комитети билан ҳукумат уюштирган муфассал муҳокама бўлиб ўтган эди.

Социалистик хўжалик юритишнинг илғор усулларидан бири бўлмиш ижаранинг аҳамияти ўсиб боришини туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг кенг жараёни тақозо этди. Фармонда ижара давлат корхоналари, колхозлар, улардаги структура бўлинмалари ва айрим гражданларнинг хўжалик ҳисобидаги фаолиятини ташкил этишнинг сифат жиҳатдан янги шакли деб талқин қилинади.

Давлат корхоналарининг мол-мулкини ижарага берганда мулк муносабатларининг алоҳида ҳуқуқий мақоми вужудга келади: ижарага берилган мол-мулк давлатнинг мулкидир. Бироқ ижарачилар ишлаб чиқарган маҳсулот уларга қарашли бўлади. Умумхалқ мулки ўз эгасини топади.

(Давоми учинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Ижарачи корхона билан ижарага берувчи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосига қурилади. Шартнома, қоида тариқасида, узоқ муддатга: 5 йилдан 50 йилгача ва ундан ҳам кўпроқ муддатга расмийлаштирилади. Башарти ижарачи пенсия ёшига етса ёки меҳнат қобилиятидан маҳрум бўлса, ижара шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқларни ижарачи оиласининг аъзоларидан бирига топшириш имконияти ҳам кўзда тутилади.

Қишлоқда ҳам, саноатда ҳам, қурилишда ҳам ижарани қўллаш катта самара беришини тажриба кўрсатди. Меҳнат унумдорлиги ошади, маҳсулот сифати яхшиланади, ресурслар сарфи камаяди. Бундай самарага эришилишининг сабаби шуки, социалистик муносабат усули бўлмиш ижара умуман жамиятнинг, меҳнат коллективларининг ва айрим кишининг манфаатларини уйғун равишда бирга қўшиш талабларига жуда тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

Фармонда қишлоқ хўжалигидаги ижара муносабатларининг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Ер ва мол-мулкни ижарага олиб, деҳқон хўжаликларини юритишга ижозат берилади. Шу билан бирга, бу хўжаликларнинг аъзолари ўз ишлаб чиқариш фаолиятида колхозлар, совхозлар билан, бошқа жамоат ташкилотлари билан кооперация алоқалари боғлашлари, реализация-таъминот, қайта ишлаш, ремонт кооперативлари ва бошқа кооперативлар тузилиши таъкидланади. Шундай қилиб, деҳқон хўжаликлари социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши системасига узвий равишда қўшилади.

Фармон ижарани ташкил этиш билан боғлиқ бўлган жамики хилма-хил масалаларни ҳал этмади ва ҳал эта олмас ҳам эди, албатта. Очиғини айтганда, қайта қуриш каби ўтиш даврининг тез ўзгариб бораётган шароитида қабул қилинган бошқа ҳамма қонун актларининг ҳам қисмати шундай. Шунинг учун ҳам ҳозир мазкур фармонни қайтадан тузишга киришиш, унга қўшимчалар, аниқликлар ва ўзгартишлар киритиш зарурлиги тўғрисида таклифлар тушмоқда. Принцип жиҳатдан шундай бўлиши — тўғри. Бироқ аввал бошда фармон социалистик хўжалик юритишни ташкил этишнинг шу илғор усулини ривожлантиришга дастлабки туртки бериш, уни одат тусига киритмоқ учун ижара тўғрисидаги батафсилроқ қонунни тайёрлаш доирасида режалаштирилганини унутмаслик керак. Унинг вазифаси мана шундан иборатдир. Албатта, ундаги ҳамма қонун-қоидалар қиёмига етказилган эмас. Бироқ амалий тажриба тўпланган сайин фармондан «СССРда ижара ва ижаравий муносабатлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида асос сифатида фойдаланилади. Ҳозир шу иш олиб борилмоқда.

Бироқ муайян тажриба орттирилгунча ижарани қўллаш билан боғлиқ бўлган кўпдан-кўп масалаларни қонун йўли билан тартибга солиш ишида, чамаси, шошқалоқлик қилмаган маъқул. Бу ерда Владимир Ильич Лениннинг 1922 йилда қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатни қўллаш шартлари ва ерни ижарага бериш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш пайтида айтган фикрини эслатиб ўтиш ўринлидир. «Ҳозирги вақтда энг хавфли ва зарарли бўлиб чиқиши мумкин бўлган ва маҳаллаларда ҳокимиятни осонлик билан йўлдан адаштира оладиган нарсага йўл қўймаслигимиз, яъни ортиқча ва ноўрин, чиллаки, тажрибада синаб кўрилмаган тартиб-қоидаларни ҳеч маҳал белгиламаслигимиз керак».

СССР Олий Совети Президиумининг муҳокама қилинаётган фармони бундан атиги бир неча ой муқаддам қабул этилганини назарда тутиб, бугун, чамаси, унга қандайдир алоҳида аниқликлар ёки тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлмаган бўлур эди. Зарур амалий тажриба орттириш лозим. Шундан кейингина масалани тўла ҳажмда ҳал қилиш керак. Аммо ижара тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашни тезлаштириш керак, албатта. Илгари режалаштирилган (1990 йилнинг 1 июлигача) муддатни қисқартириш керак — СССР халқ депутатлари съездининг топшириғи мана шундай. Биз ҳам шундай қарор қабул қилдик.

СССР Олий Совети тасдиғига тақдим этилган «Кооперативлардан даромад солиғи олиш тўғрисида»ги фармон кооперативларнинг фаолиятини тартибга солиш, уларнинг давлат билан ўзаро муносабатларини янада аниқ белгилаш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

1989 йил 23 февралда қабул қилинган бу фармонда иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган изчил йўл рўёбга чиқарилди. Ишлаб чиқариш билан ва аҳолига хизмат қилиш билан шуғулланадиган кооперативларга татбиқан солиқ ставкалари миқдорини белгилаш ҳуқуқи иттифоқдош республикаларга берилди.

Кўпчилик республикаларда ҳозиргача тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар ҳақида ҳар хил фикрлар билдирилди. Жумладан, бирлашган кооперативларнинг яқинда бўлиб ўтган съезди делегатлари қабул этилган ҳужжатларни ҳатто СССР Конституциясига зид деб, ҳисоблаганликларини билсангиз керак. Баъзи СССР халқ депутатлари қабул этилаётган фармонлар умуман кооператив ҳаракатига зарар етказади, деб хавфсирамоқдалар. Бу хусусда нима дейиш мумкин?

Аввало, 1989 йил 23 февраль Фармони СССРнинг асосий қонунига зид эмас. СССР Конституцияси (73-модда, 6-банд) СССР Давлат бюджетини ҳосил қилиш учун тушадиган солиқлар ва даромадларни белгилашни иттифоқнинг ҳуқуқ доирасига киритади. Фармон ҳам шу масалаларни ҳал этади. Фармонда солиқнинг тури ва бу солиқ қайси ишларга солиниши белгиланган. Республикаларга эса маҳаллий хусусиятлар ва вазиятларни эътиборга олиб, иттифоқ ҳужжатида кўзда тутилган солиқ ставкасининг ҳажминигина аниқлаш ҳуқуқи берилган. Шу сабабли бу ўринда зиддиятлар йўқ.

Баъзан, 1989 йил 23 февраль фармони кооперация тўғрисидаги қонунга зид, чунки бу қонунда баён этилган қоидага кўра кооперативларга камида беш йил муддатга белгиланган қатъий ставкалар бўйича солиқ солинади, деган фикр айтилмоқда. Бироқ, маълумки, ҳали бизда мазкур қатъий ставкаларни белгилаб қўядиган фармон ҳам, қонун ҳам чиқарилгани йўқ. Шу вақтга қадар кооперативларга ҳукумат белгилаб қўйган ва вақтинчалик характерда бўлган имтиёзли нормалар асосида солиқ солинмоқда. Шу билан бирга кооперативларда асосан жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган гражданлар (пенсионерлар, уй бекалари, студентлар), шунингдек корхоналарнинг ходимлари асосий ишдан бўш вақтларида ишлайдилар, деб назарда тутилган эди. Кооперативлар маблағнинг анчагина қисмини ўзларининг моддий-техникавий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга ишлатадилар, деб ҳам кўзда тутилган эди.

Бироқ кооперативлар мана шу имтиёзли шартлардан фойдаланиб ўзлари олган маблағнинг катта қисмини меҳнатга ҳақ тўлаш учун ишлатаётганликларини тажриба кўрсатди. Кўп ҳолларда кооперативлардаги иш ҳақининг миқдори шунга ўхшаш давлат корхоналаридаги иш ҳақи миқдоридан анча юқори, аммо кўпинча меҳнат унумдорлиги тенг, баъзан эса ундан ҳам камроқдир. Бу нарса кўпгина меҳнаткашларнинг қаттиқ танқидига учрамоқда, марказий органларга тушаётган кўпдан-кўп хатлар шундан далолат беради. Бу танқид билан ҳам ҳисоблашмасдан бўлмайди.

Ҳозир биз бу масалани қонун чиқарувчилик даражасида биринчи бор ҳал этяпмиз, бошқа мамлакатларнинг тажрибасини эътиборга олиб, ҳал қиляпмиз. Бошқа мамлакатларда кооперативлар учун ҳам, давлат корхоналари учун ҳам солиқ мажбуриятларига тахминан бир хил ёндашув таъминланаётганлиги маълум. Масалан, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда кооперативларнинг даромадларига солинадиган солиқ асосан 40 процентдан 60 процентгача боради. Бир қанча социалистик мамлакатларда ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ресурслари ва шу кабилар учун ҳам ҳақ тўлаш белгиланган.

Фармон мамлакатимизда кооперацияни ривожлантириш учун қандай наф келтириши ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Унда солиқ ставкаларининг миқдорлари иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан кооператив ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш зарурлигига асосланиб, маҳаллий хусусиятларини ҳамда кооперативларнинг давлат корхоналари билан иқтисодий мусобақалашуви учун шароит яратишни эътиборга олиб белгиланиши кераклиги алоҳида таъкидланганлигини биласизлар. Бу масалалар ўзбошимчалик билан эмас, балки кооперативлар фаолиятининг характерини, уларнинг даромад даражасини, ҳосил қилинаётган даромадларда кооператорлар меҳнатининг улушини, тегишли кооперативларнинг аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун бўлган аҳамиятини эътиборга олиб ҳал қилиниши лозим.

Тажрибага мурожаат этайлик. Тажриба республикаларда солиқ солиш ставкаларининг кенг доираси белгилаб қўйилаётганидан дарак беради. Масалан, РСФСРдаги солиқ ставкалари беморларга, болаларга, кексаларга хизмат қилиш билан шуғулланувчи кооперативларда олинаётган даромадлар миқдорининг уч процентидан, воситачилик, савдо-харид қилиш ва шу каби кооперативлардаги даромад миқдорининг 60 процентигача белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур омилларга қараб, баъзи кооперативларнинг солиқ ставкалари муайян муддатгача камайтирилиши мумкин. Регион учун алоҳида зарур бўлган кооперативлар солиқдан бутунлай халос этилиши мумкин.

Республикаларда кооператорларга солиқ солиш тажрибаси эндигина вужудга кела бошлаганини ҳам эътиборга олиш керак. Ҳозир қизғин муҳокама қилинаётган ставкалар ҳали республикалар Олий Советларининг сессияларида тасдиқланган эмас. Депутатлар сессияларда бу ставкаларни жуда синчиклаб таҳлил этишларига ва масалани зўр масъулият билан ҳал қилишларига шак-шубҳа йўқ.

Маълумки, СССР халқ депутатлари съезди СССР Олий Советига социалистик корхона тўғрисидаги ягона қонунни ишлаб чиқишни, шунингдек ягона солиқ системаси тўғрисидаги қонунни тезроқ тайёрлашни топширди. Бу топшириқни биз ушбу сессиядаёқ амалга ошира бошлаяпмиз. Шу иш давомида жойларда орттирилган жамики хилма-хил тажриба ҳисобга олиниши ҳамда давлат корхоналаригина эмас, шу билан бирга кооператив корхоналарини ҳам ривожлантириш учун ҳамма зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар кўзда тутилишига шак-шубҳа йўқ.

«Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва реализация қилувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарда ишлаб турган гражданларга солиқ солиш тўғрисидаги, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун патентлар бериш тартибини ўзгартириш ҳақидаги» 1988 йил 14 март фармони СССР Олий Советининг тўққизинчи сессиясида кўриб чиқилмаган эди, чунки ўша вақтда умуман кооперативларга ошиб борувчи солиқ солиш тартиби ва шартлари ишлаб чиқилаётган эди. Ҳозирги вақтда шу масалага оид қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилганини биласизлар.

Шу сабабли СССР Олий Совети Президиуми бугун мазкур фармонни фақат қисман (1-моддадан ва 5-модданинг биринчи бандидан бошқа), яъни якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун патентлар беришга доир қисминигина таклиф этади. Бунда гап иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига патентлар бериш тартибини ва патент учун ҳақ тайинлашни ўзлари белгилаш ҳуқуқини бериш ҳақида бормоқда. Бу билан бирга, аниқ-равшан маҳаллий хусусиятларни эътиборга олиб, республикаларнинг ҳукуматлари бу ҳуқуқни халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига топшириши мумкинлиги назарда тутилади.

Уй-жой муаммосининг ўткирлиги «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой қонун асослари 4-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги 1988 йил 14 декабрь фармони қабул этилишини тақозо қилди. Шу фармонга мувофиқ, энди гражданлар шахсий мулк сифатида сотиб олиши мумкин бўлган квартиралар ҳам уй-жойларга қўшимча равишда якка тартибдаги уй-жой фонди объектлари жумласига қўшилди.

Колхозларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг ўзларига тегишли уй-жой фондини тасарруф этиш ишида уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида 1989 йил 10 май фармони қабул қилинди. Шу фармонга мувофиқ колхозлар аъзоларининг умумий йиғилишлари ёки вакилларнинг йиғилишлари, бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг тегишли органлари энди мутахассисларни ва ўзларининг бошқа ходимларини, мазкур аҳоли пунктида доимий яшаши ёки яшамаслигидан қатъи назар, навбатдан ташқари уй-жой билан таъминлаш учун имтиёзли асосларни белгилашга ҳақлидирлар. Фармоннинг бу қоидаси кадрларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мустаҳкам ўрнашиб олишларида, шунингдек мавжуд уй-жой фондидан самаралироқ фойдаланишга кўмаклашиши равшан.

Йўллардаги тартиб тўғрисида ва милиция ходимларининг фаолияти ҳақида чиқарилган қонунларимизни такомиллаштириш учун 1989 йил 6 февраль фармони қабул этилди. Шу фармонга мувофиқ йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бундай бузишларнинг рўйхати кескин камайтирилди, икир-чикир камчиликларнинг кўп қисми рўйхатдан чиқариб ташланди. Бироқ, ҳаракат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва сиҳат-саломатлиги хавфсизлиги учун йўлларда вужудга келаётган реал хатарни эътиборга олиб, қонунда кўзда тутилган талабларни бузганлик учун жавобгарлик анча кучайтирилди. Шунга мувофиқ равишда жарималарнинг миқдорлари ҳам кўпайтирилади. Шуни айтиш керакки, кейинги вақтларгача мамлакатда ҳар йили тартиб-қоидани бузганлик учун 35 миллиондан кўпроқ киши маъмурий тартибда жазоланар эди. Уларнинг ярмидан кўпроғи аслида йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсир қилмайдиган икир-чикир камчиликлар учун жазоланар эди.

Фармонга мувофиқ белгилаб қўйилган чора-тадбирлар давлат автомобиль инспекцияси хизматининг бутун куч-ғайратини кўпинча аварияларга олиб борадиган қоида бузишларни аниқлаш ва олдини олишга қаратишга ёрдам беради. Мамлакат йўлларида 1988 йилнинг ўзидагина 47 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлганини, уларнинг кўпчилиги учун ҳайдовчилар айбдор эканлигини айтиш кифоя.

Маълумингизки, 1988 йилнинг 21 мартида транспорт воситаларининг эгаларига солиқ солиш масалалари юзасидан фармон қабул қилинган ва бу фармон ўтган чақириқ СССР Олий Совети томонидан тасдиқланган эди. Унинг асосий мақсади давлат ва кооператив корхоналарининг пул ресурсларини аввало Ноқоратупроқ ўлкадаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишга ишлатишдан иборат эди. Бу муаммо жуда ўткир бўлиб турибди ва уни ҳал қилиш умумдавлат аҳамиятига эга. Гарчи жорий этилган тадбир унчалик ёқмаётган бўлса ҳам, афсуски, ҳозирги босқичда шундай қилмай иложимиз йўқ.

Бугун тасдиқингизга ҳавола этилган 1989 йил 28 март фармонига келганда шуни айтиш керакки, бу фармон 1988 йилги фармонга баъзи ўзгартишларни киритади, жумладан, солиқ солиш соҳасида қўшимча имтиёзларни белгилайди.

Илгари солиқдан озод қилинган Улуғ Ватан урушининг инвалидлари ва уларга тенглаштирилган кишилар билан бирга энди қўлда бошқариладиган автомобиллари ва кажавали мотоцикллари бўлган инвалидлардан ҳам солиқ олинмайди. Давлат бюджетидаги муассасалар ҳам солиқдан озод қилинади.

Бундан ташқари маҳаллий молия органларига айрим гражданларнинг моддий аҳволини эътиборга олиб, уларни солиқ тўлашдан озод қилиш ёки солиқ миқдорини камайтириш ҳуқуқи берилган.

Сизларнинг муҳокамангизга таклиф этилаётган бир қанча фармонлар жамиятда қатъий ҳуқуқий тартиб ўрнатишни, интизомни мустаҳкамлашни, ҳаддан ошиш ва бедодлик кўринишларига чек қўйишни талаб қилиб, марказий органларга кўпдан-кўп хат ёзаётган совет кишиларининг илтимосларига бевосита жавобдир. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларида бундай талабларнинг бажарилиши ҳуқуқий ислоҳот ўтказиш умумий жараёни билан, демократияни жамият манфаатларига зид, бузғунчилик ҳаракатларидан, хатарли антисоветизм, миллатчилик ва экстремизм кўринишларидан ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан чамбарчас боғланган. «Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР қонунига ҳамда СССРнинг бошқа баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритадиган 1989 йил 8 апрель фармонини аввало мана шундай чора-тадбирлар жумласига қўшмоқ керак.

Бу фармон жамиятда бир хил назар билан кутиб олинмаганлиги маълум. Бу фармоннинг вазифаси демократиялаш ва ошкоралик шиорларини ниқоб қилиб, конституцион ҳуқуқлар ва эркинликлардан жамиятимиз негизларини қўпориш, миллатлараро муносабатларни қақшатиш мақсадида фойдаланмоқчи бўлган кимсаларни огоҳлантириш учун, зарур бўлган тақдирда эса уларни жавобгарликка тортиш учун ҳам ҳуқуқий асосларни яратиб беришдан иборат. Шу билан бирга фармон совет жиноят қонунларини демократиялаш соҳасида олға томон қўйилган салмоқли қадам бўлди. У давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик соҳасини торайтириб, амалда жуда кенг талқин этиш учун имконият бериб келган «Советларга қарши ташвиқот ва тарғибот» тушунчасини ундан чиқариб ташлади. Бу ўринда гап энди қасддан қилинадиган ва совет тузумига қарши қаратилган ҳаракатлар аниқ-равшан мавжуд бўлган ҳоллардагина жавобгарликка тортиш мумкин. Шу билан бирга фармон дунёдаги мавжуд тажрибани эътиборга олиб тайёрланганини таъкидлаб ўтиш зарур. Бу фармон халқаро шартномаларнинг руҳига, Хельсинки ва Вена ҳужжатларини имзолаган давлатларнинг умумий позициясига ҳам зид эмас. Ҳар қандай демократия фақат қонун доирасида яшай олади ва уни бузиш, давлат тузуми негизларига қасд қилиш жиноятдир. Деярли бутун дунёда мана шундай.

Шуни ҳам қўшиб қўяй. Ғарбдаги кўпгина мамлакатларнинг қонунларида қонуний ҳукуматга ёки конституцион тузумга қасд қилинган ҳолда бундан ҳам қаттиқроқ жавобгарлик чоралари кўзда тутилган. Масалан, Францияда конституцион тузумни ағдариб ташлашга ёки ўзгартиришга қасд қилганлик ва шу турдаги бошқа ҳаракатлар учун умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Швецияда мавжуд идора усулини ағдариб ташлаш мақсадини кўзлайдиган ҳаракатлар учун умрбод қамаб қўйишга қадар жазо бериш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, фармоннинг баъзи иборалари охиригача пухта ишлаб чиқилмаганини тан олиш керак. Унинг баъзи қоидалари хусусида қизғин мунозара бўлди. Гарчи 11/1 моддаси бузилганлиги тўғрисида судларга биронта иш топширилмаган бўлса ҳам, шу модда қизғин мунозарага сабаб бўлди. Мана шундай вазиятда СССР Олий Совети Президиуми ушбу модда сақлаб қолинишини қаттиқ талаб қилмади ва СССР халқ депутатлари съезди бу моддани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганини биласизлар.

Фармоннинг 7-моддаси ҳам бундан озроқ даражада бўлсада мунозарага сабаб бўлди. Бироқ, бу модда хусусида ҳам, жумладан, СССР халқ депутатлари томонидан анча жиддий мулоҳазалар айтилди. Хусусан, совет давлат ва жамоат тузумини ағдаришга ёки ўзгартиришга даъват қиладиган материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаганлик учун жиноий жавобгарлик, яъни бу жиноятни ҳақиқатда қилганлик учун эмас, балки шундай жиноят қилишга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги хусусида шубҳа билдирилди. Мазкур моддада, совет давлат ва жамоат тузумини ағдариб ташлашга ёки зўравонлик билан ўзгартиришга халойиқ ўртасида қилинган даъватлар ҳақида гап боради, деб алоҳида таъкидлаш таклиф қилинди.

Бошқа баъзи таклифлар киритилди.

СССР Олий Совети Президиуми мана шу нуқтаи назарларнинг ҳаммасини, уларнинг далил-исботларини синчиклаб ўрганиб чиқди ва фармоннинг 7-моддаси таҳририни ўзгартириш мақсадга мувофиқ, деб топди. Мана шу янги таҳрир тексти сизларга берилди. Аслида фармон демократик мақомга даъво қилувчи биронта жамият тоқат қила олмайдиган иш учун жазолашни кўзда тутади. Бунда гап зўравонликка қилинган даъватлар ҳақида, қонунларнинг бажарилишига фаол қаршилик қилиш тўғрисида бормоқда. Ўйлайманки, бу модданинг янги таҳрири уни ҳар қандай кенгайтириб талқин этишни истисно қилади.

СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 16 январдаги фармони 30-40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларида ғайриқонуний равишда репрессия қилинган гражданларни оқлашга доир ишларни кучайтиришга кўмаклашади. Ана шу фармон билан машъум «учликлар» ва «алоҳида кенгашлар» чиқарган суддан ташқари қарорлар бекор қилинди. Мазкур органлар ҳукм қилган барча кишилар оқланмоқда. Бу қоида ватан хоинларига, жазо отрядларининг аъзоларига, нацист жиноятчиларга, газандалар тўдаларининг қатнашчиларига ва уларнинг гумашталарига, жиноий ишларни қалбакилаштириш билан шуғулланган ходимларга, шунингдек қасддан одам ўлдирган ва бошқа жиноятларни қилган шахсларга дахлдор эмас.

СССР Олий Советини шу ҳақда хабардор қилиш керакки, 1989 йилнинг 1 июлигача бизда 260 мингдан кўпроқ киши, шу жумладан мазкур фармонга мувофиқ 235 минг киши оқланди.

Ушбу фармон СССР Олий Советига тасдиқлаш учун тақдим этилганлиги муносабати билан Литва ССР Олий Совети Президиумидан хат келди. Хатда фармонни «қонунга хилоф махсус манзилгоҳ жойлардан қочиб кетиш жазоланадиган жиноят деб қаралиши мумкин эмас», деган модда билан тўлдириш таклиф этилади. Бизнинг назаримизда бундай қўшимча тўғрига ўхшайди.

Мазкур масалани фармон 1-моддасининг биринчи абзацига «ушбу органлар» сўзларидан кейин «шу жумладан қонунга хилоф махсус манзилгоҳ жойлардан қочиб кетганлик учун ҳукм қилинган кишилар» мазмунидаги қўшимчани киритиш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

1989 йил 16 майдаги фармон билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар аҳлоқ тузатиш-меҳнат қонунларининг асосларига ўзгартишлар киритилган. Бу ўзгартишлар озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг барча чегирмалардан кейин иш ҳақининг бир қисмини сақлаб қолиш қоидаларига тааллуқлидир. Маҳкумларнинг меҳнатга виждонан муносабатда бўлишларини рағбатлантириш учун шундай қилинган.

Хизмат соҳасидаги ҳар хил қоидабузарликларга қарши курашда меҳнаткашларни кенг жалб этиш мақсадида СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 18 майдаги фармони билан касаба союзларининг ишчилар назорати тўғрисидаги низоми тасдиқланди. Фармон ишчилар назоратининг ҳуқуқий мақомини, унинг инспекциялари ҳамда комиссияларнинг, ишчи назоратчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди. Фармоннинг вазифаси касаба союзларининг ишчилар назорати савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналарининг иши устидан назорат системасида етакчи ўрин олишидан, у тақсимот соҳасидаги салбий ҳодисаларга қарши курашда, социал адолат принципларини амалда рўёбга чиқаришда нуфузли куч бўлиб қолишидан иборатдир.

Фактлар шундан далолат бермоқдаки, касаба союз назоратчилари фармонга таяниб кўп иш қилишлари мумкин. Масалан, Актюбинск областида савдо ва умумий овқатланишнинг амалда ишлаб турган деярли барча корхоналари ишчи назоратчиларга бириктиб қўйилган. Бундай корхоналар эса 2,5 мингтадан кўпроқ. Бу иш Одесса, Киев, Липецк, Ярославль, Хабаровск ва бошқа шаҳарларда анча кучайтирилган. Текширишлар натижасида совет савдоси қоидаларини бузиш, тақчил молларни яшириб қўйиш, уларни талон-торож қилиш каби ва бошқа кўпдан-кўп фактлар очиб ташланди.

Депутат ўртоқлар, сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилаётган бир қанча фармонлар СССРнинг бошқа мамлакатлар билан алоқаларидаги чуқур ўзгаришлардан, халқаро муносабатларда янгича фикрлаш принципларини амалга оширишдан келиб чиқади. Халқаро иқлимнинг умид бахш этувчи даражада яхшиланиши совет давлатининг ҳарбий соҳада ўтказиб келаётган баббаравар хавфсизлик сиёсати билан кўп даражада боғлиқдир. Бу эса ҳарбий харажатларимизни камайтириш ва мудофаа саноати соҳасини ўзгартириш борасида бир қанча чора-тадбирлар кўриш имконини берди. Шу муносабат билан СССР Олий Совети Президиуми 1989 йилнинг 21 мартида «1989—1990 йиллар мобайнида СССР Қуролли Кучларини ва мудофаа харажатларини камайтириш тўғрисида» фармон қабул қилди. Шу фармонда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг сон состави 500 минг киши камайтирилади. Айни вақтда оддий қурол-яроғлар ҳажми ва Совет Иттифоқининг мамлакат давлат бюджетидан мудофаа харажатлари анча қисқартирилади, деб белгиланган. Бу эса бўшатилаётган маблағларни халқ хўжалиги тараққиётини жадаллаштиришга ва совет кишиларининг энг муҳим талаб-эҳтиёжларини қондиришга сарфлаш имконини беради.

СССР Қуролли Кучлари составини СССР Конституциясида белгиланган вазифалар ва функцияларга тўла мувофиқ ҳолга келтириш, яъни халқнинг тинч меҳнатини, совет давлатининг суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш учун тузилган қуролли кучлар ана шу вазифа ва функцияларни бажариши мақсадида СССР Олий Совети Президиуми шу йилнинг 21 мартида «Чегара қўшинлари, ички ва темир йўл қўшинларини СССР Қуролли Кучлари составидан чиқариш тўғрисида» фармон қабул қилди.

«СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» 1989 йил 10 апрелда чиқарилган фармонда шу нарса белгилаб қўйилдики, 1989 йилнинг 1 январидан бошлаб кундузги (қатнаб ўқиладиган) олий ўқув юртларининг студентлари бундан буён таълим даврида ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

Бу фармон жамиятда маъқуллаб кутиб олинганлиги, меҳнат коллективлари, олимлар, ёшлар томонидан қўллаб-қувватлаганлиги маълум. Шу билан бирга жамоатчилик ушбу фармонга аввалги чақириқларга ҳам татбиқ этиладиган куч бағишлаш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. Ҳукумат СССР Олий Совети Раисининг топшириғига биноан ушбу муаммони ўрганиб чиқди ва ўз таклифларини киритди. Ўзларингизга маълумки, 11 июль куни СССР Олий Советининг кундузги (қатнаб ўқиладиган) олий ўқув юртларининг 1986—1988 йилларда чақирилган студентлардан муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларини таълимни давом эттириш учун ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ташқи иқтисодий муносабатларнинг совет ва чет эл қатнашчилари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланиши СССРнинг чет эллардаги савдо ваколатхоналари ролини ўзгартириб юборди. 1989 йил 30 мартдаги фармон билан шундай ваколатхоналар тўғрисида янги низом тасдиқланди.

Аввалги низомни қайта кўриб чиқишга шу нарса сабаб бўлдики, ташқи бозорга бевосита чиқиш ҳуқуқига эга бўлган министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар сони анча кўпайганлиги муносабати билан ташқи иқтисодий фаолиятдаги барча совет қатнашчилари СССРнинг давлат манфаатларига риоя этишлари устидан тегишли назорат таъминланишини тақозо этади, шундай фаолиятни амалга оширишда ёрдам бериш, иқтисодий манфаатларимизни ҳимоя этиш талаб қилинади.

1987 йилнинг 13 январида «СССР территориясида совет ва чет эл ташкилотлари, фирмалари ҳамда бошқарув органларининг иштирокида қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар барпо этиш ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар тўғрисида» чиқарилган фармонга 1989 йил 10 майдаги фармон билан ўзгартишлар киритилди. Жумладан, Узоқ Шарқ иқтисодий районида ишлаб чиқариш соҳаси ва социал-маиший соҳани жадал ривожлантириш манфаатларини кўзлаб ушбу регионда барпо этилаётган ана шундай корхоналар ва бирлашмаларга имтиёзли солиқ солиш тўғрисида гап боряпти.

1988 йилнинг 1 ноябридаги фармон ҳам сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилади. Бу фармон байрам ва хотира саналарини тартибга солади ҳамда баъзи касб байрамларини белгилайди.

Бундан ташқари, депутат ўртоқлар, сизларнинг муҳокамангизга яна бир қонун лойиҳаси ҳавола этилади. Бу қонун лойиҳаси СССР Олий Совети Президиумининг вазифалари ўзгарганлиги билан боғлиқ бўлиб, эндиликда у Конституцияга мувофиқ корхоналар ҳамда бирлашмаларни республика ва маҳаллий бўйсунувдан иттифоқ бўйсунувига ўтказиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш билан бошқа шуғулланмайди. СССР Олий Совети Президиумининг «Корхоналар ва бирлашмаларни республика ҳамда маҳаллий бўйсунувдан иттифоқ бўйсунувига ўтказиш тартиби тўғрисида» 1978 йилнинг 8 июнида чиқарган фармони амалда ўз кучини йўқотди. Қонунчиликни СССР Конституциясига мувофиқ ҳолга келтириш учун ана шу фармон ва 1978 йилнинг 6 июлда уни тасдиқлаган СССР қонуни ўз кучини йўқотганлигини юридик жиҳатдан эътироф этиш ҳам таклиф қилинади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, бу гал Олий Советнинг тасдиқлаши учун тақдим этилаётган фармонларни тайёрлаш мисли кўрилмаган тусда бўлди, деб дангал айта оламан. Матбуотда юзлаб мақолалар эълон қилинди. Гражданларнинг ўн минглаб хатларида ана шу ҳужжатларни маъқуллаш, такомиллаштириш ёки ҳатто бекор қилиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари баён этилди. Олий Совет комитетлари ва палаталарнинг ўнта комиссияси фармонлар хусусида ўз фикрини билдирди, бир қанча аниқ-равшан таклифлар киритди.

Қонун чиқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг хабар қилишича, натижада тўртта фармонни СССР Олий Советининг сессиясида муайян ўзгартишлар ва қўшимчалари билан кўриб чиқиш таклиф этилади.

Кооперативлардан даромад солиғи олиш тўғрисидаги фармон тасдиқланиши муносабати билан энг кўп ўзгартишларни муҳокама қилиш таклиф этилади. Комитетлар ва комиссиялар иттифоқ актида кооперативлар учун иттифоқдош республикаларда белгиланадиган солиқ ставкаларининг юқори даражасини чеклаш, солиқ солинмайдиган даромадлар рўйхатини кенгайтириш, шунингдек қишлоқ хўжалиги, қурилиш кооперативлари, янги тузилаётган ва бошқа баъзи кооперативлар учун имтиёзларни кўпайтириш лозим, деб ҳисоблайдилар.

Комитетлар ва комиссиялар «30-40-йиллар ва 50-йилларнинг бошларидаги даврда содир бўлган репрессияларнинг жабрдийдаларига нисбатан адолатни тиклашга доир қўшимча чоралар тўғрисида»ги ва «1989—1990 йиллар мобайнида СССР Қуролли кучларини ҳамда мудофаа харажатларини камайтириш ҳақида»ги фармонларнинг айрим моддаларини аниқлаш хусусидаги таклифларни қўллаб-қувватлайди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек биринчи фармонда суддан ташқари органлар репрессия қилган гражданларнинг ўзинигина эмас, шу билан бирга қонунга хилоф махсус манзилгоҳ жойлардан қочиб кетганлиги учун одатдаги тартибда судланган кишиларни ҳам оқланган, деб ҳисоблаш таклиф этилади. Кейинги фармонда иккинчи моддани конкретлаштириш таклиф қилинади, ҳукуматга 1990 йилнинг 1 январигача СССР Қуролли Кучларидан бўшатилувчи шахсларнинг маошини бир йилгача муддат билан сақлаб қолиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни топшириш янгича таҳрирда назарда тутилади.

Лекин шуни тўппа-тўғри айтиш керакки, ўртоқлар, фармонларни такомиллаштиришга доир таклифлар жуда кўп ва улар ғоят хилма-хил, кўпинча эса бир-бирига мутлақо зид тусда бўлиб, ҳозир уларнинг ҳаммасини рўёбга чиқаришнинг мутлақо иложи йўқ. Қонун чиқариш комитетининг раиси Сергей Сергеевич Алексеев бу ҳақда муфассалроқ гапирса керак, мен эса кўпгина фикр-мулоҳазалар анча баҳсли эканлигини қайд этиб ўтаман, холос.

Жумладан, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги фармон хусусида айрим қоидабузарликлар учун жарималар миқдорини ошириш тўғрисидаги таклифлар кўп, лекин аксинча, жарималарни камайтиришни талаб этаётган таклифлар ҳам оз эмас.

Байрам ва хотира саналари тўғрисидаги фармонга доир таклифларда ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Масалан, депутатлардан тўққиз киши ҳаво-десант қўшинлари байрамини белгилаш керак, деб ҳисоблашмоқда. Халқ соғлигини сақлаш комитети ҳам фармонга янги байрамларни киритишни таклиф этмоқда, маданият, тил, миллий ва байналмилал анъаналарни ривожлантириш комиссияси эса умуман барча касб байрамларини бекор қилиш керак, деб ҳисобламоқда. Бундан ташқари баъзи комитетлар байрамларни ўтказиш саналарини аниқлашни таклиф этмоқдалар.

У ёки бу фармонларнинг мазмунида аҳоли айрим гуруҳларнинг манфаатларини эътиборга олиш тўғрисидаги таклифлар кўп. Жумладан, фан, халқ маорифи, маданият ва тарбия комитети 1989 йил 10 апрелдаги фармон билан олий ўқув юртларининг студентларига Совет Армиясидаги хизмат юзасидан берилган имтиёзларни ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига жорий этишни, шунингдек, ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққанларга имтиёзлар берилишини таклиф қилади. Буларнинг ҳаммаси пухта ишлаб чиқишни талаб этишини ўзларингиз тушунасизлар.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, таклифларнинг аксарияти комиссиялар ва комитетлардан сўнгги кунлардагина тушди. Афтидан, бугун биз қонун чиқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети тўлиқ ишлаб чиққан таклифларни эътиборга олиб, шу таклифларнинг қолган қисмини унга бизнинг бундан буёнги қонунчилик ишимиз давомида рўёбга чиқариш эҳтимолини назарда тутиб, қўшимча равишда ўрганишни ва таҳлил этишни топширсак оқилона бўлур эди.

Аммо шуни ҳам айтиб қўйиш керак — қонун чиқариш комитетининг таклифларида ҳам сессияда қўшимча муҳокама қилинишини талаб этувчи баъзи жиҳатлар бор. Булар жумладан комитет кооператорларга солиқ солиш тўғрисидаги фармонга киритишни таклиф этаётган баъзи тузатишлар, шу жумладан солиқнинг юқори ставкаси тўғрисидаги тузатиш, шунингдек, солиқдан озод қилиш ҳуқуқи маҳаллий Советнинг ижроия комитетига эмас, балки депутатлар махсус комиссиясига биркитиб қўйилиши ҳақидаги таклифдир. Бу ҳол амалдаги қонунларга хилоф бўлади. Депутатлар комиссиялари бундай ҳуқуқларга эга эмас.

Депутат ўртоқлар, пировардида шуни айтмоқчиманки, бундан буён СССР Олий Советининг Президиуми СССР қонунларини тўлдириш ва ўзгартириш юзасидан ҳеч қандай ваколатлардан фойдаланмайди. Янги таҳрирдаги Конституцияда Президиумнинг бундай вазифаси кўзда тутилмаган. Давлатимизни ҳуқуқий давлатга айлантиришнинг яна бир муҳим шарти мана шундан иборатдир. Бундай давлатда ҳокимият олий ваколатли органларининг ўзларигина — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатларининг съезди ва Олий Советигина қонунларни чиқара олади.

• *Бизнинг календарь*



В. Шукшин таваллудининг 60 йиллигига

Саховатли қалб

Совет кишилари унутмас ижодкор — ёзувчи, артист ва кинорежиссёр, Ленин мукофоти лауреати Василий Шукшин юбилейини нишонламоқдалар. Агар у ҳайт бўлганида 60 ёшга тўлган бўлар эди. Бироқ шафқатсиз ўлим уни бундан ўн беш йил муқаддам орамиздан юлиб кетди. Ун беш йил қисқа муддат эмас. Орадан қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтганига қарамай, қалбимиздаги армон ҳеч қачон ўчмаса керак. Негаки, биз шундай буюк истеъдодни сақлаб қола билмадик. Ҳаётлигида унинг меҳнатларига муносиб баҳо бера олмадик...

Шукшиннинг ҳар бир кишига қаратилган мана бу сўзларини қайта-қайта ўқир экансиз, томоғингизга бир нарса тиқилгандек бўлади. «Ишқилиб, биз раҳм-шафқат нима эканлигини унутмасак бўлгани. Ҳозирги шиддатли даврда биз инсон эканлигимизни ва аслида шундай бўлиб қолишимиз зарурлигини унутмасак бўлгани, — деб ёзган эди Василий Макарович. — Табиат бизларга ҳаётда бир марта яшаш имконини берган. Шундай экан, бир-биримизга меҳрибон бўлайлик... Бир-биримиздан саховатимизни аямайлик».

Василий Макарович Шукшин қаҳрамонларининг руҳиятига назар ташлар экансиз, уларнинг уйдирма эмаслигига, аксинча, ҳаётдан олинганлигига такрор ва такрор иқрор бўласиз. Бу одамлар инсоятда ажойиб бўлиб, ўзида деҳқонларга хос доноликни, теранликни, раҳмдилликни, айни пайтда эса мағрурликни ифодалайдилар. Бу қаҳрамонлар худди ёзувчининг ўзи каби содда ва мағрур.

Санъаткор уларнинг характерини ўзи туғилиб ўсган Сростки қишлоғи одамларидан олган. Олтойлик ўлкашуносларнинг таъкидлашларича, мазкур қишлоқнинг уч юз йиллик тарихи бор. Унинг аҳли эркин казаклар бўлишган, Волга ва Дон бўйларидан кўчиб келиб шу ерда қўним топишган. Булар — Степан Разиннинг ҳур ва бўйсунмас авлодлари бўлиб, она Ватанга ҳурмат ва садоқат билан хизмат қилишни ўз бурчлари деб билганлар. Шукшин ўз дунёрига сўнгги нафасигача содиқ қолиб, фильмларн ва ҳикояларида, яратган образларида ана шу одамлар руҳиятини зўр кўтаринкилик билан тасвирлади.

В. М. Шукшин вафотидан бир йил олдин қуйидагиларни ёзган эди: «Ўзи бераётганимда агар ақлу-ҳушим ўзимда бўлса, онам, болаларим ва Ватан ҳақида ўйлайман. Негаки, мен учун улардан кўра азизроқ ва мукаррамроқ нарса йўқ дунёда!»

Суратда: В. М. Шукшин (сурат Олтой ўлкашунослик музейидан олинган).

В. САДЧИКОВ
сўзи ва репродукцияси (ТАСС).

• *Бугун — Куба Республикасининг миллий байрами — Миллий қўзғолон куни*

КУРАШ ВА ҒАЛАБАЛАР РАМЗИ



Озодлик оролидаги Сантьяго-Де-Куба мустамлакачиликка қарши ва инқилобий курашларнинг кўп асрлик анъаналарига эга шаҳардир. У испанлар томонидан 1514 йилда бунёд этилган. Шаҳарнинг минглаб аҳолиси мустамлакачиларга қарши курашда Ватан учун жонини фидо этди. Улар орасида озодлик курашининг қаҳрамони Антонио Масео бор. Буюк Куба инқилобчиси ва мутафаккири Хосе Марти испан босқинчиларига қарши жангларда ҳалок бўлди. Унинг қабри мана шу шаҳарда.

Бундан роппа-роса ўттиз уч йил муқаддам Сантьяго-де-Куба Куба халқининг шонли тарихига яна бир порлоқ саҳифа қўшди. Мана шу куни Фидель Кастро бошлиқ инқилобчиларнинг кичик бир гуруҳи халқнинг Батиста режимига қарши ғазаб-нафратини ифода этувчи Монкада казармасига дадил ҳужум қилди. Қаҳрамонлар жасорати бир учқун эди-ки, ундан инқилобий кураш алангаси ўт олди. Бу кураш 1959 йил 1 январида ғолибона якунланиб, диктатура агдариб ташланди. Куба халқи ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Ҳа, Сантьяго-де-Куба шунчаки шаҳарнинг номи бўлибгина қолмай, айни пайтда у ҳар бир кубалик қалбида сақланаётган кураш ва ғалабалар рамзидир.

Сиз мана бу суратда собиқ Монкада казармасини кўриб турибсиз. Ҳозир бу ерда мактаб жойлашган.

С. СЕРЕДА сурати (ТАСС).

• *Спорт*

ШАХМАТ:
ХАЛҚАРО ТУРНИРДА

✦ БЕРН. Халқаро гроссмейстерлар Л. Полугаевский билан И. Соколов учрашуви мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Бонси, ҳар иккала шахматчи ғолибликка даъвогар бўлиб турибди. Узаро дона суришлар томонларнинг битимга келиши билан якунланди. Қолган тўрт учрашувда ҳам очколар баҳам кўрилди. Ҳозир Соколов 3 та, Полугаевский 2,5 та очко билан олдинда боришмоқда.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЮКСАК НАТИЖАЛАР

✦ ГОРЬКИЙ. Мамлакат чемпионати қатнашчилари ғолиблик учун курашда маҳорат кўрсатмоқдалар. Республикамиз вакиллари ҳам бўш келишмаяпти. 400 метрга югурган Марина Шмонинанинг муваффақияти ҳақида хабар қилган эдик. Таниқли енгил атлетикачи, лангар билан сакраш устаси Радион Гатаулин яна ўзини кўрсатди. Бу сафар у 590 сантиметрли маррани эгаллаб, чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритди. Яна бир вакилимиз В. Ишутин 560 сантиметрли баланддан ўтишда тўртинчи бўлди. Шунингдек, бухоролик И. Матросова ҳам тўртинчи ўринни олди.

• *Реклама ва эълонлар* •

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
БУХОРО ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ
1989—1990 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (техник-механик, ишлаб чиқариш таълими мастери); ишлаб чиқаришда пайвандлаш технологияси (техник-технолог, ишлаб чиқариш мастери); саноат ва граждан қурилиши (техник-қурувчи, ишлаб чиқариш мастери).

СИРТҚИ БЎЛИМГА: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (техник-механик, ишлаб чиқариш таълими мастери); ишлаб чиқаришда пайвандлаш технологияси (техник-технолог, ишлаб чиқариш мастери) мутахассисликлари бўйича техникумга ҳунар-техника билим юртларини битирган ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, ўзлари ўқиган билим юртларидан ёки область халқ таълими бошқармасидан йўлланма, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, ўқиш ёки иш (меҳнат стажига эга бўлганлар учун) жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажига эга бўлганлар учун), соғлиғи ҳақида 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга чақирилиши ҳақидаги гувоҳнома, трактор ва автомобиль бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ҳамда комсомол билети шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, ўқувчилар сафига қабул қилиш 23 августдан ўтказилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ЎТКАЗИЛАДИ: танланган ихтисоси бўйича ёзиш, математика (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (ёзма).

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, ётоқхона ва ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш муддати ҳамма ихтисослар учун 2 йилу 10 ой.

Техникум ҳунар-техника билим юртлари учун ишлаб чиқариш таълими мастерлари, ўрта мактаблар ва ўқув комбинатлари учун ўқув ишлаб чиқариш таълими ўқитувчи-инструкторлари, колхоз ва совхозлар учун машина-трактор парки ҳамда ишлаб чиқаришда пайвандлаш технологияси (техник-технолог, ишлаб чиқариш мастери), саноат ва граждан қурилиши (техник-қурувчи, ишлаб чиқариш мастери) ихтисослари бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Техникум адреси: 705004, Бухоро шаҳри, Ф. Ҳўжаев райони, Ибн Сино кўчаси, 9-уй. Бухоро индустриал-педагогика техникуми, қабул комиссияси. (1, 3, 5, 10, 16, 21-автобусларнинг «ЦУМ» бекати. Телефонлар — 3-23-34, 3-33-07).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССНАБИ РЕСПУБЛИКА ҚОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ МАРКАЗИ

ФАҚАТ АҲОЛИ ВА КООПЕРАТИВЛАРГА
чакана баҳоларда
ҳарбий бўлинмалардан берилаётган
ҚУЙИДАГИ ТОВАРЛАРНИ СОТАДИ

— 2-2 респираторлар;
— плашчлар, пайпоқлар, ҳимоя қўлқоплари;
— Л-1 резина костюмлар;
— «Дружба» мотоцикллари;
— майда трубали қудуқлар;
— саперларнинг белкуракларн;
— «Москва» қайиқ моторлари.
— ЭСВ-4 иД, ЭСБ-4 иГ электростанцияларн;
— десантларнинг ёзлик ип-газлама шлемлари;
— комплект ҳимоя костюмлари ва бошқа буюмлар.

Тақдим этилаётган товарларнинг намуналари билан Ўзбекистон ССР Госснаби Республика коммерция-ахборот марказининг қуйидаги адресда жойлашган майда улгуржи савдо корхонасида танишиш мумкин: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 2-уй. Телефонлар: 77-84-41, 77-13-03.

Справкалар учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй, Ўзбекистон ССР Госснаби Республика коммерция-ахборот маркази. Телефонлар: 41-09-93, 44-06-52.

1989 ЙИЛ 16—17 АВГУСТДА
ҚАРШИ ШАҲРИДА
Пионерлар саройи биносида
(Ленин кўчаси, 77-уй)
1989 ЙИЛ 14—15 СЕНТЯБРДА
УРГАНЧ ШАҲРИДА
Оғаҳий номидаги театр биносида
(Коммунистик кўчаси, 32-уй)
ОРТИҚЧА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ САВДОСИ БЎЙИЧА

Республика ярмаркаси ўтказилади

Ярмаркада қатнашиш учун улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, тегишли соҳа саноат корхоналари ва фақат ишлаб чиқариш кооперативларининг вакиллари таклиф қилинади.

Ярмарка қатнашчиларининг келиш вақти: Қарши шаҳрига — 14—15 августда.
УРГАНЧ ШАҲРИГА — 12—13 сентябрда.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги.
Ўзбекистон матлубот жамияти.
Узпосредторг.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОХИМИЯ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходимлар: эрозия ва тупроқни мустаҳкамлаш, шўрҳок тупроқ мелиорацияси;

кичик илмий ходим: агрохимия ва тупроқ микроэлементлари.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Конкурсда қатнашиш учун шахсий ишларни қуйидаги адресга жўнатинг: 700179, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 46-09-50, 46-07-23.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Республика телевизион маркази коллективи марказнинг овоз режиссёри К. Салимовга рафиқаси
Нодира САЛИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика Сатира театри коллективи артист Ш. Юнусовга укаси
Равшан ЮНУСОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти коллективи институт аспиранти Г. Абдуллаевага онаси
Мунаввар Фахриддиновна АБДУЛЛАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аппаратининг раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар бошқарувчиси Н. Д. Мизякинга отаси
Данил Васильевич МИЗЯКИНнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари диққатига!

174-ЕҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОМБИНАТИ

1000 М3 атрофидаги горбиль тахталарни баҳоси 17 сўм 70 тийиндан юк ортиладиган станциядан то юк тушириладиган станциягача йўл ҳаражатлари тўланган ҳолда

СОТАДИ

Адрес: 682897, Хабаровск ўлкаси, Советский Гавань шаҳри, Меньшиково посёлкаси.

• *Бир мақола изидан*

ЭШБОЕВНИНГ ҚАЛҚОНИ КИМ?..

Мен биринчи бор областдаги энг йирик Дазира ҳўжаликлараро чорвачилик комплексига у ердаги меҳнат муваффақиятларини ёритиш мақсадида борган эдим. Ўшанда комплекс директори Тўрамурод Эшбоев:

— Мухбир бўлсангиз, мана бу масалани ўрганиб кўринг, — деб стол устига папка-папка қоғозларни ёйиб қўйди. Бу қоғозлар Дазира комплексида яшовчи Ҳасан Қулбошев, Жўрахон Ҳўжамқулов, Ҳамро Жумаев, Худойберди Ҳўжабердиев, Иброҳим Эгамбердиев, Жаббор Эгамбердиевнинг шикоятларини текширган комиссияларнинг справкалари эди. Маълумотларни ўқиган кишининг ақли шошмай илажи йўқ. Чунки Сариосиё район ички ишлар бўлимининг Дазира участкаси инспектори А. Абдураҳимовдан тортиб район ички ишлар бўлими, район агросаноат бирлашмаси, область агросаноат комитети, область курилиш банки тафтишчилари сингари бообрў ташкилотлар ва масъул шахслар томонидан берилган бу текшириш хулосаларида Тўрамурод Эшбоев директорлик қилган пайтда у давлатнинг, халқнинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмаганлиги кўрсатилган эди.

— Менга эмас, ҳар куни сўроқ бераверіб, ишдан қолаётган меҳнаткашларга ачиниш керак. Ҳозир аризачиларга халқнинг ғазаби ортган. Уларга чора кўришни талаб этишяпти. Мана бу қоғозга ҳам қаранг...

Директор узатган етти бетлик, имзоларга тўла қоғозни ҳаяжонланмай ўқиш мумкин эмасди. Шоферлар, механизаторлар, чўпонлар, соғувчилар, ўқитувчилардан иборат 126 киши қўл қўйган бу қоғозларнинг тепасига: «Ҳаётда ҳақиқат борми? Агар бўлса, нега фақат туҳматдан иборат ариза ёзиб, ҳаммани чалғитаётган аризачиларга чора кўрилмайди? Биз — Дазира халқи шикоятчиларга чора кўрилишини талаб қиламиз. Уларнинг бундан кейин ёзган аризалари инобатга олинмаслигини сўраймиз» деб ёзилган эди.

— Аризачилар билан суҳбатлашсак бўларди. Уларни қандай топамиз? — деб сўрадим директордан.

— Топиб бўлармиди? Ҳаммаси Боботоғ ўрмон хўжалигида ишлайди. Уйига ойда бир келмаса...

Ҳуллас, бообрў ташкилотларнинг текшириш хулосалари ва энг асосийси, Дазира қишлоғида яшовчи 126 киши имзо қўйган қоғозларга асосланиб, «Қарши ҳужум» сарлавҳали мақоланн ёздим. Мақола газетамизнинг шу йил 3 март сонида босиб чиқарилди. Мақолани: «Сабр косаси тўлган Дазира халқи аризачиларга нисбатан қарши ҳужумга ўтди. Халқнинг ғазаби эса қаттиқ бўлади», деб тугатган эдим.

Мақола эълон қилингандан кейин орадан кўп ўтмай редакцияга кишилар шикоят хатлари билан кела бошлашди. Улар юқорида қайд этилган 126 кишидан вакиллар бўлиб, шикоятномаларида шундай дейишган эди:

«Директор Тўрамурод Эшбоев бошлиқ ўт ўчирувчилар группаси оёққа турди. Орадан бор йўғи 7 минут ўтганда эса группа аъзолари воқеа содир бўлган жойда ҳозир бўлдилар. Бу пайт олов заводнинг омихта ем цехини ўз домига олиб, тобора кўкка бўй чўзарди.

Аксига олиб, шамолнинг кучайиши ёнғинни заводнинг кўп қаватли маъмурий биноси ва у орқали бошқа цехларга ўтиш хавфини туғдирарди. Унинг оқибати нима билан тугашини яхши билган Зарифбоев бошлиқ ўт ўчирувчилар бор кучи, маҳоратини ишга солиб, олов йўлига ғов солишга киришдилар.

Шу орада Ўш области Тошкўмир шаҳри, Янгийўл ва бошқа қўшни районларининг ёнғиндан сақлаш отрядлари ҳам ёрдамга етиб келишди. Бир тану бир жон бўлиб уюшқоқлик билан кўрсатилган жонбозлик, қаҳрамонлик туфайли бир соатга етмай ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлишди.

Ўчқўрғон район ёнғиндан сақлаш отряди аъзоларига танаали равишда фахрий ёрлиқлар топширилгач, биз ҳам уларни ушбу мукофот билан самимий табрикладик. Бунга жавобан улар:

— Биз қардошлик, оғалик бурчимиз, ўз вазифамизни бажардик холос, — дейишди камтарлик билан.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

• *Ён қўшни — жон қўшни*

Ўт балоси

Ўчқўрғон район ёнғинидан сақлаш отряди аъзолари қўшни Қирғизистон ССР территориясида чиққан ёнғинни ўчиришда жонбозлик кўрсатдилар

Яқинда Ўш область Тошкўмир шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети вакиллари Ўчқўрғон район партия комитетига одатдан ташқари ташриф буюришди. Улар бу гал район ёнғинидан сақлаш отряди бир группа аъзолари — катта инспектор Б. Зарифбоев, шофер А. Отамирзаев, ўт ўчирувчилар — А. Иванов ва Ҳ. Зарифбоевга Шамолдисой поселкасидаги омихта ем ишлаб чиқариш заводида чиққан ёнғинни ўчиришда жонбозлик кўрсатганликлари учун қўшни қирғиз халқи номидан миннатдорчилик билдириш ва уларга Тошкўмир шаҳар партия комитети ва ижроия комитети фахрий ёрлиғини топшириш учун келдилар.

Воқеа шундай бўлганди: Учқўрғон район ўт ўчириш марказий диспетчерлик хонасидаги телефон устма-уст жиринглади. Навбатчи трубкани кўтариши биланоқ ташвишли овоз эшитилди:

— Қирғизистондан гапиряпмиз, Шамолдисой поселкасидаги омихта ем ишлаб чиқариш заводига ўт тушди. Ёрдам беринг!

Зум ўтмай, Б. Зарифбоев бошлиқ ўт ўчирувчилар группаси воқеа содир бўлган жойда ҳозир бўлдилар. Бу пайт олов заводнинг омихта ем цехини ўз домига олиб, тобора кўкка бўй чўзарди.

Аксига олиб, шамолнинг кучайиши ёнғинни заводнинг кўп қаватли маъмурий биноси ва у орқали бошқа цехларга ўтиш хавфини туғдирарди. Унинг оқибати нима билан тугашини яхши билган Зарифбоев бошлиқ ўт ўчирувчилар бор кучи, маҳоратини ишга солиб, олов йўлига ғов солишга киришдилар.

Шу орада Ўш области Тошкўмир шаҳри, Янгийўл ва бошқа қўшни районларининг ёнғиндан сақлаш отрядлари ҳам ёрдамга етиб келишди. Бир тану бир жон бўлиб уюшқоқлик билан кўрсатилган жонбозлик, қаҳрамонлик туфайли бир соатга етмай ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлишди.

Ўчқўрғон район ёнғиндан сақлаш отряди аъзоларига танаали равишда фахрий ёрлиқлар топширилгач, биз ҳам уларни ушбу мукофот билан самимий табрикладик. Бунга жавобан улар:

— Биз қардошлик, оғалик бурчимиз, ўз вазифамизни бажардик холос, — дейишди камтарлик билан.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-48, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилади.

Р. — 04240. Б. — 174. ИНДЕКС 64383. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12